фи-т-тибб») - грандиозная медицинская энциклопедия, вот уже тысячелетие являющаяся настольной книгой многих поколений врачей и фармацевтов. Вторая и пятая книги «Канона» посвящены вопросам лекарственной терапии. Во второй книге описаны 811 простых лекарств растительного, минерального и животного происхождения, в частности здесь приводятся 520 растений, из которых 178 произрастают на территории Узбекистана и только 52 вида в настоящее время используется в научной медицине. Необходимо провести научную «ревизию» наиболее распространенных из 126 остальных видов с целью выявления наиболее перспективных для лечения краевой патологии: заболеваний сердечно-сосудистой системы; онкологических заболеваний; болезней системы пищеварения и др. В пятой книге изложено приготовление сложных лекарств и лекарственных форм (порошки, лепешечки, отвары, соки, настои, мази, сиропы, варенья, пилюли, масла и др.) и их применение при различных заболеваниях.

Учёными нашего института было внедрено в медицинскую практику более 20 новых лекарственных растений, использованных в своё время Ибн Сино: девясил большой (противовоспалительное, отхаркивающее средство); пижма ложнотысячелистниковая (глистогонное); душица мелкоцветная (отхаркивающее); пустырник туркестанский (гипотензивное и седативное средство); тысячелистник таволголистный (мочегонное, кровоостанавливающее и противоязвенное средство); орех грецкий (противовоспалительное, капилляроукрепляющее и ранозаживляющее средство); зверобой шероховатый (вяжущее и противовоспалительное средство); унаби обыкновенный (мочегонное) и др., а также ряд лекарственных препаратов на основе использованных им растений: настойки водяного перца и спорыша (кровоостанавливающие средства); жидкий экстракт чеснока (противопаразитарное средство при эхинококкозе печени); жидкий экстракт душицы мелкоцветной (отхаркивающее средство); «Пертуссин-Д» (отхаркивающее средство); эликсиры «Ташкент» и «Тонзилат» (отхаркивающие средства); сбор мочегонный «Стифлос»; биологически активная добавка (БАД) на основе проростков пшеницы, использующихся в качестве биостимулятора - дармонал, дидармонал, седармонал. На сегодняшний день освоено промышленное производство: бальзама «Шарк табиби» (тонизирующее средство); таблеток «Глипил» (средство, регулирующее углеводный обмен); таблеток и капсул мумиё (биостимуляторы); капсул «Гелрем» (глистогонное) и др. Разрешены клинические испытания: сбора мочегонного «Мелифлос»; сбора седативного «Флегмен»; капсул «Глюкороз-мулин» (гипогликемическое средство); таблеток чесночного порошка (гиполипидемическое) и др.

АБУ АЛИ ИБН СИНО НЕРВ ТИЗИМИНИНГ ТУЗИЛИШИ ХАҚИДА

Якубова М.М., Халимова Х.М., Рахматуллаева Г.Қ., Ибрагимова М.П.

Тошкент тиббиёт академияси

Абу Али ибн Сино ўзининг қисқа умри даврида тиббиёт, гериатрия, мусика, математика ва фаннинг бошқа соҳаларида асарлар яратган ажойиб донишманд сифатида дунёга машҳур бўлди.

Ибн Синонинг тиббиётнинг неврология фанига қўшган хиссалари ҳам жуда катта. Шулардан бири, у ўзидан олдин ўтган олимлардан фарқли ўлароқ, биринчи бўлиб умумий неврология билан хусусий неврологияни бир-биридан ажратиб, инсон аъзоларининг фаолиятини, уларнинг тузилиши билан ҳамбарчас боғлиқ равишда баён қилган. У аъзоларни бошқарувчи ва итоткор аъзоларга, яъни бош ва орқа миёни ажратиб кўрсатган.

Бош миёни аллома ҳис-ғуёгулар ва ҳаракатнинг бошланғич аъзоси деб таърифлаб, бош миё анатомиясини батафсил баён этган: калла қутиси ичидagi миёни симметрик 2 ярим шарга ва уни чуқур эгатлар билан бўлиниб, 4 бўлмага бўлинишини ва унинг ҳар бирининг фаолияти, қон томирлар билан таъминланганлиги, миё пардалари, қоринчалари, миё устунини жуда усталик билан баён этган. Бош миёнинг қоринчалари, цистерналари ва уларда орқа миё суюқлиги (ликвор) ишлаб чиқиши тўғрисидаги маълумотлар алоҳида эътиборга эга. Айниқса, бош миёнинг қон билан таъминланиши шу қадар аниқлик ва усталик билан баён этилганки, ҳозирги замон тадқиқотчилари унга ўзгартiriш қиритишлари амри маҳол.

Ибн Сино бош миёни «онг» маркази, деб таърифлайди. Бу аъзо орқали биз дуёни кўрамиз, эшитамиз, мушоҳада қиламиз. Бу аъзода фикр пайдо бўлади, фикрдан эса билим туғилади.

Ички аъзоларнинг фаолияти, ишлаш тарзи ҳам бош миёга боғлиқ. Унинг нафас олиш марказининг бош миё билан орқа миё ўртасида жойлашганлиги тўғрисидаги фикри аҳамиятга моликдир.

Жинсий ва сийдик чиқариш функцияларининг орқа миёда жойлашгани тўғрисидаги фикрни ҳам ибн Сино айтган.

Ибн Сино ўзининг «Тиб қонунари» китобида периферик асаб тузилмаси анатомияси ва физиологияси тўғрисида аниқлик билан маълумот беради. Бу соҳада ибн Синонинг периферик нервлар тўғрисидаги маълумотлари ҳақиқатда ҳам ҳозирги замон неврологияси таълимотига мос келади. Периферик нервларни Ибн Сино қуйидагича таърифлаган: «Нервлар бош миёдан ёки орқа миёдан бошланиб, майда, юмшоқ ўтказгичлардан иборат. Улар ҳаракатлантириш ва сезиш функцияларини бажариш учун яратилган».

Ибн Сино краниал ва орқа миё нервларини ҳаракатлантирувчи ва сезувчи функцияларини эътиборга олиб, алоҳида-алоҳида баён қилганки, бу унинг ниҳоятда чуқур билимга эга эканлигидан, ўта қузатувчилитидан далолат беради.

ИБН СИНОНИНГ ФАЛСАФИЙ РИСОЛАЛАРИДА АҲЛОҚ МАВЗУСИ

Яминов А.А.

Ўзбекистон Республикаси Фанлар академияси Абу Райҳон Беруний номидаги Шарқшунослик институти

Абу Али ибн Синонинг (980-1037) турли фанлар ривожига ҳисса қўшган қомусий олим эканлигини билиш учун унинг ёзган асарлари рўйхатидагина назар ташлаш қифоя қилади. Унинг илмий мероси Республикамызда бир неча йиллардан бери ўрганиб келинса-да, асосан табобатта оид асарлари тадқиқ этилган. Аллома дунёда буюк табиб сифатида шуҳрат қозонгани билан араб мавбалари уни «ҳаким» деб зикр қилганлар. ЎЗР ФА Абу Райҳон Беруний номидаги шарқшунослик институти ҳазинасида аллома қаламига мансуб бир қанча фалсафий рисоалар сақланади.

Аҳлоқ илми ёки аҳлоқшунослик Ибн Сино фалсафий меросининг бир жиҳати бўлиб, бу борада олим «Рисала фи-л-аҳлоқ», «Фи тазкият ан-нафс», «Тадбир ал-манозил», «Сиёсат ал-бадан» («Баданни бошқариш»), «Қитоб ал-инсоф» («Адолат ҳақида китоб»), «Қитоб ал-бирр ва-л-исм» («Яхшилик ва ёмонлик ҳақида китоб»), «Ат-тайр» («Қуш») каби рисоалар муаллифидир. Аҳлоқ мавзуси мазкур рисоаларда батафсил, «Тиб қонунари», «Донишнома», «Аш-шифо», «Ан-нажот», «Ал-ишорот ва ат-тавбиҳот» каби йирик асарларнинг эса маълум бўлимларида кўтарилган. Уларда саҳоват, қаноат, сабр, ҳалимлик, бағрикенглик, кечиримлилик, узрни қабул қилиш, авф этиш, қўли очкилик, сирни ошкор этмаслик, донолик, зийраклик, фикри тўғрилиқ, эҳтиёткорлик, ростўйлик, вафодорлик, раҳмдиллик, меҳр-муҳаббатли бўлиш, ҳаё, олижаноблик, аҳдга вафодорлик ва камтарлик каби аҳлоқий категориялар ўзига хос равишда илмий-фалсафий нуқтан назардан шарҳланади. Масалан, кечиримлилик, узрни қабул қилиш, авф этиш бир-бирига яқин, ҳатто синоним сўзларга ўхшагани билан Ибн Сино таърифида ҳар бирининг ўз мавқеи борки, уларни фақат ўз ўрнида ишлатиш мақсадга мувофиқ.

Ибн Синонинг фикрича, аҳлоқ фалсафанинг амалий қисмига оид бўлгани билан у ўз-ўзидан рўёбга чиқмайди, балки ақлнинг бошқарувига боғлиқдир. Олим таълим-тарбия, илм-фан, яхши ҳуқ-одоб қоидаларини эгаллаш ҳақида сўз юритаркан, ақлга асосланган (рационалистик) мавқеи тутганига гувоҳ бўлишимиз мумкин.

Ибн Синонинг қарашларида дунёвий илмларга интилиш, дин ва диний билимларни жамият, инсонлар манфаати нуқтан назаридан талқин этиш, турли халқларнинг маданий-маънавий мероси, ўтмиш маданий қадриятларидан (араб, юнон маданияти бойликлари) фойдаланиш, инсонга муҳаббат, унинг ақлий ҳислатларини, қобилиятларини ўрганиш ва фазилатларини очиб беришга интилиш, қомил инсонни тарбиялаш асосий ўрин эгаллайди.

ТВОРЧЕСТВО И ТРУДЫ ИБН СИНО ПРИНАДЛЕЖАТ ВСЕМУ ЧЕЛОВЕЧЕСТВУ

Ядгаров Д.С., Абдурахманов М.М.

Бухарский филиал Узбекского научно-исследовательского института хлопководства, Бухарский Государственный медицинский институт.

В плеяде блестящих мыслителей и ученых мира одно из первых мест занимает Абу Али ибн Сино – прославленный учёный, средневекового Востока, подлинный энциклопедист, внесший немалый вклад в такие различные отрасли науки и культуры как: медицина, философия, физика, сельское хозяйство, ирригация, мелиарация и др. Свыше тысячи лет отделяют нас от той эпохи, когда жил этот великий учёный, внесшего огромный вклад в развитие медицинской и сельскохозяйственной науки, Ибн Сино явился своего рода связующим звеном между медицинскими представителями врачей Древнего Востока и учением прогрессивных западноевропейских медиков. Не удивительно, что спустя 500 лет после смерти Ибн Сино его труды с глубоким вниманием изучали и цитировали гениальные ученые эпохи Возрождения – Леонардо да Винчи и Андрей Везалий.

В Бухаре и Хорезме Ибн Сино, опираясь на многовековые научные традиции и богатейшее культурное наследие народов Средней Азии, общаясь с крупнейшими мыслителями Востока, формируется как великий ученый-энциклопедист и педагог-наставник ученых мира. Научные диспуты и беседы с виднейшими представителями среднеазиатской науки и культуры помогли ему углубить свои знания и в вопросах орошаемого земледелия и мелиорации.

У Ибн Сино встречаются два понятия: скорость и медленность движения. При этом он впервые обратил внимание на использование вод быстро и медленно текущих рек для орошения земель с учетом особенностей климатических условий каждого «отдельного лета» и требований «каждого растения в питании и воде». Проблемы искусственного орошения волновали еще отца ученого: Абдаллах ибн Сино, по свидетельствам очевидцев, ежегодно с большим вниманием приглядывался к всходам джугары и пшеницы с мыслью: «Как плодородны наши поля. Эта желтая земля, которую и ныне чужеземцы готовы принять за пыль, — “золотая почва”. Она дает обильные

урожай... Когда есть вода... Ах, если бы только у нас была вода! Дожди, реки, ручьи, арыки — что угодно, только бы вода!..» Ирригация стала предметом деятельности Ибн Сино.

В своих произведениях («Канон врачебной науки», «Книга знания», «Книга исцеления») Ибн Сино подчеркивает значение воды в жизни человека, ее роль в сохранении «здоровья и благополучия». Проблемы земледелия, ирригации и мелiorации, фактора и источника жизнедеятельности человека постоянно были предметом исследований Ибн Сино. Глубокое знание жизнедеятельности растений и животных, условий их выращивания и продуктивных качеств позволило Ибн Сине дать научно-обоснованные рекомендации, не потерявшие своего значения и в наше время. Так, говоря о полезности для питания людей, «подвинутых в годах», молока, Ибн Сино указывал на необходимость «следить, чтобы на пастбище не было вяжущего или острого, или кислого, или же очень соленого растения». Нет возможности полно изложить мысли и результаты научных поисков Ибн Сино в растениеводстве, мелiorации и других отраслях сельского хозяйства. Они нуждаются в научных исследованиях, результаты которых могут дать ценные обобщения и рекомендации для современной сельскохозяйственной науки.

Таким образом, смело можно отметить научно-просветительскую деятельность Ибн Сино как крупного естествоиспытателя и знатока сельского хозяйства, борющегося за улучшение благосостояния народа с помощью ирригации и мелiorации в результате подвиги культуры земледелия. Среди людей, обогативших мировую науку выдающимися достижениями, внесших неоценимый вклад в сокровищницу человеческой мысли, величайший ученый-энциклопедист средневекового Востока Абу Али ибн Сино (Авиценна) занимает особое место.

ИБН СИНО ТИББИЙ МЕРОСИННИНГ ҲОЗИРГИ ЗАМОН ТАБОБАТ ФАНИ ТАРАҚҚИЁТИДА ТУТГАН ЎРНИ

Қосимова М.Б., Джураева Э.Р., Қурбонова Ш.Р., Абдуазизова Н.Х.
Тошкент тиббиёт академияси

Тиббиёт фани тарихини ўрганиш соҳасида Республикаимизда Марказий Осиё тиббиёт фани тарихини ўрганиш соҳасида катта ишлар олиб борилади. Буюк аллома, қомусий олим Абу Али ибн Синонинг бизгача етиб келган тиббий рисолаарини “Тиб қонунлари”дан ташқари мазмунига кўра 3 гуруҳга бўлиш мумкин:

1. Умумий хусусиятга эга бўлган рисолалар:
 - 1) тиббиётнинг барча соҳалари (масалан “Медицина ҳақида”, “Уржуза”си;
 - 2) тиббиётнинг бирор соҳасига оид асарлари.
2. Бирор-бир аъзо касаллиги ёки муайян бир касалликка бағишланган асарлар.
3. Доришносликка оид асарлар.

Рисолаларда қайд этилган масалалар алломанинг асосий асари “Тиб қонунлари”да маълум даражада ўз аксини тошган. Ибн Синонинг сақланиб қолган барча тиббий асарларини тадқиқ қилиш алломанинг табобат фани тарихига ва тараққиётига қўшган ҳиссасини тўлароқ англашга имкон беради.

Ибн Сино меросини кунг билан ўрганиш аллома ижодига қизиқувчилар доирасининг анча кенгайишига олиб келди. Шифокорлар, доришнослар, ўсимликшнослар ўз соҳалари бўйича “Тиб қонунлари”да келтирилган маълумотларни, шунингдек таржима қилинган асарларни ўрганишга киришдилар.

1966 йили Ибн Синонинг “Юрак дорилари” номили рисоласи, 1972 йили “Уржуза”си, 1978 йили “Соғлиқни сақлашга доир рисолалари” ўзбек тилига таржима қилинди.

Ибн Синонинг тиббий асарлари Марказий Осиё миқёсидан чиқиб, Шарқ ва Ғарб мамлакатларига кенг тарқалган. Жумладан “Юрак дорилари” XIX асргача Шарқ табибларининг юрак касаллиги соҳасидаги ёзган асарлари ва амалий фаолиятларида ишончли манба сифатида фойдаланилган.

Медицина фанининг тараққиётида Ибн Сино тиббий асарлари юксак баҳоланди.

Ибн Синонинг “Тадбирла йўл қўйилган ҳар хил хатоларга қарши чора кўриш орқали инсон баданига етишган турли зарарларини йўқотиш” рисоласи соғлиқни сақлашга бағишланган. Рисола соғлиқни сақлашнинг назарий масалалари устида баҳс қилувчи асардир. Унда Ибн Синонинг гигиеник қарашлари унинг бутун тиббий қарашлари билан бевосита боғлиқ равишда етти мақолада талқин қилинган.

Ибн Синонинг таржима қилинган китоблари нодир библиографик асарларга айланиб қолди. Уларга бўлган галаб тобора ошиб бормоқда.

АБУ АЛИ ИБН СИНО «ТИБ ҚОНУНЛАРИ» АСАРИДА САБАБИЙ БОҒЛАНИШЛАР ҲАҚИДА

Қурбониезова Р.Қ.
Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиали

Ибн Синонинг табобатга оид энг йирик шох асари «Китоб алқонун фит-тиб» («Тибб қонунлари китоби»)нинг биринчи китоби инсон анатомияси ва физиологияси, касалликларнинг келиб чиқиш сабаблари ва оқибатларига бағишланган. Ибн Сино сўзларига қараганда, ҳар бир нарсанинг сабаби ва оқибати бўлиб, оламда, инсоният

дунёсида ҳеч бир нарса ҳодиса ўз-ўзидан, сабабсиз бўлмайди. Ҳар бир ҳодисанинг моҳияти унинг сабабини аниқлаш йўли билан очилади. Ҳар қандай касаллик муайян бир сабабнинг, гоҳи ташқи махфий сабабларнинг натижаси, оқибатидир. «Ҳар бир нарсани билиш, — дейди аллома, — у нарсаларнинг сабаблари бўлса, шу сабабларни билиш орқали ҳосил бўлади ва тугалланади. Шунинг учун тибда соғлиқ ва касалликнинг сабабларини билиш керак бўлади. Соғлиқ, касаллик ва уларнинг сабаблари гоҳи очик, гоҳи махфий бўлиб, унга ҳис билан эмас, балки белгиларга асосланиб фикр юритиш билан етишिलाди». Шунингдек, табобатда соғ вақтда ҳам, касалликда ҳам содир бўладиган ҳодисаларни билиш керак.

Ибн Сино касалликни ўрганишда объектив шароитларни ҳар томонлама билишга катта аҳамият беради. Касалликларни келтириб чиқарувчи ва ривожлантирувчи сабабларни у тўртга бўлади. Булар: моддий, фаол (таъсир қилувчи), шаклий ва тугалловчи сабаблардир. «Фаол сабаблар, — дейди Ибн Сино, — одам гавдасининг, ҳолатларини ўзгартирувчи ёки ўзгармаган ҳолда сақловчи сабаблардир. Улар эса ҳаволар ва уларга алоқадор нарсалар - овқатлар, сувлар, ичимликлар ва уларга алоқадор нарсалар, бўшалиш (ва унинг акси), тўхталлиш, шакарлар, турар жойлар ва буларга алоқадор нарсалар, жисмоний ва нафсоний ҳаракат ва осойишталиклардир. Уйқу ва уйқоқлик фаол сабаблардандир. Бир ёндан бошқа ёшга ўтиш, ёш ва жинс эътибори билан фарқланиш, ҳунарлар, одатлар, одам гавдасига тегиб, унинг табиатига ё тесқари бўлмай, ё тесқари бўлиб турадиган (дорилар каби) нарсалар фаол сабаблардир».

Ибн Сино касалликни ўрганишда объектив (сабаб) шароитларни ҳар томонлама билишга катта эътибор берди. Касалликнинг сабабини аниқлашда томир урилишининг катта аҳамиятига эга эканлигини, болаларда учрайдиган қизамиқ, чечак касалликларининг олдини олиш йўллари нимадан иборатлигини таъкидлайди. Юқумли касалликларни қўзғатувчи микроблар тўғрисидаги таълимотни Пастердан деярли саккиз аср олдин ишотлади.

Ҳозирги даврда ҳам тиббий фанларни ўрганиш жараёнида ҳам Ибн Синонинг «Тиб қонунлари» асари ўз қимматини йўқотган эмас.

AVICENNA'S MEDICAL HERITAGE IN PRINTING WORD OF UKRAINIAN MEDICS

Pavlenko R.I.
National Scientific and Medical Library of Ukraine

During 600 years many different medical schools were studied the medical genius of Avicenna and now his heritage is a humanistic message to people of XXI century. The main Ibn sino's manuscript Canon of Medicine only on Latin had more than 30 reissues, and now this work translated on all world languages. As noted Ukrainian professor Tomylin S. in his article for Avicenna's 900-years obit, the Canon of Medicine numbers 1.5 million words, that on 100 thousand words over Bible, and this manuscript of genius stand alone in history of medicine.

In 2005 The Poem on Medicine was issued for the first time on Ukrainian in translation from Dari by prof. Popov N., member of the Higher Education Academy of Science of Ukraine.

In 2009 in Kyiv was issued book Creative Heritage of Ibn sino and Modern Times, Kyiv, 375 pp., under general editorship by Popov N., prof. and Vatanh M., M.D.

This is the first monograph in Ukraine, in which top sciences from National Academy of Science of Ukraine, National Academy of Medical Science of Ukraine, Higher Education Academy of Science of Ukraine thoroughly and comprehensively elucidated the Avicenna's creative heritage.

The presentation of this book was conducted in National Scientific and Medical Library of Ukraine in 11 March 2009 with participation of 126 persons.

The library's fund has 56 Avicenna's manuscripts and publications, which very popular among readers.

The National Scientific and Medical Library of Ukraine is a leading scientific and informational centre in medical field, the treasury of medical knowledge with 1.5 million literature fund from unique issues of XVI cent. to recent publications.

ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

РОЛЬ УЧЕНИЯ ИБН СИНО В ФОРМИРОВАНИИ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ

THE ROLE OF IBN SINO'S TEACHING IN A HEALTHY LIFESTYLE FORMATION

БОРЬБА С ГИПОДИНАМИЕЙ – ЗАЛОГ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ «ПРОДВИНУТЫХ В ГОДАХ»

Атаханова Л.Э., Талипова Ю.Ш., Исмаилова М.Ш., Сагатова Х.М., Тулабаева Г.М.,
Хусанов А.А.

Ташкентский институт усовершенствования врачей

Проблеме малоподвижного образа жизни, низкой физической активности - гиподинамии уделяется большое внимание в комплексной программе вторичной профилактики сердечно-сосудистых заболеваний (ССЗ). Установлено, что достаточная физическая активность является эффективным средством борьбы с атеросклерозом и связанными с ним ССЗ. Малоподвижный образ жизни, отсутствие достаточной физической активности нарушают функции многих органов и систем, что наиболее выражено у лиц пожилого возраста, т.е. «продвинутых в годах» по Авиценне. Доказано, что при гиподинамии не происходит полного расщепления жиров и холестерина, накопление их в организме способствует развитию и дальнейшему прогрессированию атеросклероза. Все эти факторы объясняют более частое развитие инфаркта миокарда у лиц, ведущих малоподвижный образ жизни. Вот почему физическая активность человека играет важную роль в профилактике развития ИБС и ее осложнений. Авиценна утверждал, что «физические упражнения для продвинутых в годах бывают...сообразно тому, каково состояние их тела, к какому из недугов они привыкли...». Физическая активность у больных ССЗ имеет двойное значение: избыточная активность, интенсивные нагрузки опасны тем, что могут провоцировать стенокардию, инфаркт миокарда, отек легких, гипертонический криз. Авиценна утверждает, что, «если... подвержен головокружениям или падучей, или имеют приливы дурных соков к шее и все это сопровождается поднятием паров в голову и мозг», т.е. это больные гипертонией, то им Великий Врачеватель рекомендует всячески избегать «...физических упражнений, при которых голова опускается к низу», «...следует укреплять слабые органы путем постепенного увеличения того вида упражнений, которые соответствуют и подходят для данного органа». Согласно современным рекомендациям по борьбе с гиподинамией, актуальными являются умеренные аэробные нагрузки, выполняемые систематически по 30 минут не менее 3 раз в неделю, под их влиянием существенно улучшается состояние сердечно-сосудистой системы, снижается уровень «плохого» и увеличивается уровень «хорошего» холестерина. Показано, что у больных, тренирующихся в течение нескольких лет, с помощью умеренных систематических нагрузок, прекращается прогрессирование атеросклероза сосудов сердца и происходит умеренное, но значимое «рассасывание» бляшек (регресс, обратное развитие). В свою же очередь Ибн Сино еще в древности рекомендовал «продвинутых в годах нужно приохотить к совершенению гимнастики путем ходьбы..., а также ко всяким упражнениям, охватывающим нижнюю половину тела».

ИБН СИНО МЕРОСИДАН: КАМҚОНЛИҚДА ТЎҒРИ ОВҚАТЛАНИШ

Бабаджанова Ш.А., Мусаева Н.Б., Қурбонова З.Ч., Матчанов Н.Ж.
Тошкент тиббиёт академияси

Бутун дунёни ўз билими билан лол қолдирган буюк қомусий аллома Ибн Сино таълимотида тўғри овқатланишга катта эътибор берилган. Ибн Сино овқатланишда одам ёши, мизожи, одатлари, фасллар, овқатнинг таркиби, истеъмол вақтлари, кун тартибига катта эътибор берган. Ҳозирги замон табobatiда ҳам анемияларда овқатланиш муҳим аҳамиятга эга.

Олим фикрига кўра: “Овқатланишда соғлиқни сақловчи киши ўз овқатининг асосий қисми сабзавотлар ва мевалардан иборат бўлиши керак, чунки бу нарсалар қонни суюлтиради. Шу билан бирга, овқатда гўшт ва ундан тайёрланган маҳсулотлар бўлиши, айниқса улоқ, бузоқ ва кўзичоқларнинг гўштлиридан иборат бўлиши лозим”. Ҳозирда анемияларни даволаш мақсадида 11-парҳез тавсия этилади. Унга кўра бу парҳезда гўшт ва гўшт маҳсулотлари, мева ва сабзавот шарбатларига катта аҳамият берилган. Бу эса бобокалонимиз Ибн Сино томонидан бир неча асрлар олдин келтириб ўтилган.

“Овқатланишда одатга риоя қилмоқ керак, агар бир кунда бир ёки икки марта ейишни одат қилса ўзи заиф, қувватлари кучсиз бўлиб қолади. Шунинг учун бундай киши ҳазм қуввати кучсизланган бўлса ҳам ҳар галги овқат миқдорини озайтирмоғи, овқатланиш сонини кўпайтирмоғи лозим,”-деган фикри ҳозирги замон тиббиётида ўз тасдиғини тошган.

Буюк аллома таъкидлашча: “Овқатларнинг бир-бирларига қўшилишлари билан таъсирлари ўзгаради. Сутни нордон ва гўштли нарсалар, балик, қушларнинг гўштлири билан қўшиб истеъмол қилинмасин. Билганики, нон ҳазм бўлмаса зарари кўпдир, ҳазм бўлмаган гўштни зарари эса ундан камроқдир.”

Анемияни даволашда беморларга рационал овқатланиш таркибига гўшт маҳсулотлари бўлишига сабаб, унда қон таркибидаги гемоглобин синтези учун ўта муҳим бўлган темир моддаси мавжуд. Бу микроэлементнинг сўрилишига кальций препаратлари, шу жумладан таркибига кальций сақловчи сут ва сут

махсулотлари қаршилик қилади. Шунинг учун ҳатто темир препаратлари тавсия этганимизда ҳам сут ва сут махсулотлари қўлланилишини чеклаймиз. Бу маълумотларни XI асрда яшаб ижод қилган олим сўзларига нақадар мос келиши одамни ажаблантиради.

ИБН СИНОНИНГ АТРОФ-МУҲИТ ҲОЛАТИ ВА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИНГ ИНСОН САЛОМАТЛИГИГА ТАЪСИРИ ТЎҒРИСИДАГИ ҚАРАШЛАРИ

Бахритдинов Ш.С., Исоқов Э.З., Норматова Ш.А., Ашурова М.Д.
ТТА Фарғона филиали

Ибн Сино “Тиб қонунлари” ва соғлиқни сақлашга оид бошқа рисоаларида шахсий гигиенадан тортиб, то атроф-муҳит ва ижтимоий – гигиеник омилларигача баён этиб, уларнинг одам организми учун фойдали ва зарарли томонларини қайд этган. Аллома турли ёш ва жинсдаги одамлар мизожини эътиборга олган ҳолда аниқ гигиеник тавсиялар беради. Ибн Сино соғлом турмуш тарзининг фаол тарафдори ва тарғиботчиси эканлигига ишонч ҳосил қилиш қийин эмас. Оқилона овқатланиш саломатлик ва узоқ умр кўришнинг муҳим омилларидан эканлиги ҳозирги даврда ҳеч кимда шубҳа туғдирмайди. Ибн Сино овқатни мўътадиллаштиришда унинг миқдори, сифати ва таркиби, шунингдек уни ҳазм қилиш йўл йўриқларига эътиборни қаратган. Овқатлик махсулотларининг экологик жиҳатдан тоза бўлишига ҳам алоҳида эътиборни жалб этади.

Тўғри овқатланиш борасида буюк олимнинг “Яшаш учун овқатланиш зарур, лекин овқатланиш учун яшаш зарарлидир” деб уқтириши ҳозирги кунда ҳам жуда долзарбдир.

Буюк аллома, кўпчилик касалликларнинг келиб чиқишида ташқи шароит таъсирини алоҳида уқтириб ўтади. Ҳавонинг инсон саломатлигини сақлашдаги аҳамияти устида тўхталиб, очиқ ва юқори ердан эсадиган ҳавонинг зарарли эканлигига эътиборни қаратади.

Ибн Сино турли иқлим шароитида яшайдиганларга одам организмига ҳаво ҳарорати (иссиқ, совуқ), ҳаракатдаги ва туриб қолган ҳавонинг зарари, саёҳатчиларга маслаҳатлар тўғрисида ҳам алоҳида тавсиялар беради.

У саломатликка тоза сувнинг аҳамияти катта эканлигига алоҳида эътиборни қаратиб, уни зарарсизлаштириш йўллари кўрсатади.

Инсон саломатлигига йил фаслларининг таъсири ҳақида тўхталиб, ҳар бир фасл ўз вақтида бўлиши, яъни ёзнинг ёздак, кичкиннинг қишдек ва бошқа фаслларнинг ҳам ўз вақтида бўлиши фойдали эканлигини, акс ҳолда аҳоли ўртасида турли хил касалликларнинг кўпайиши мумкинлигини кўрсатиб ўтади. Инсон саломатлигини сақлашда фаслга мос кийинишни таъкидлайди.

Аллома инсон саломатлигини сақлашда турар жойнинг таъсирини алоҳида кўрсатади. Уй-жой қуришдан олдин у ерни баландлик ёки паст жойлашиши, у ердаги тупроқнинг ўзига хос хусусиятларини, шамол ҳаракати, намлик кўрсаткичлари яхши ўрганилиши муҳимлигига алоҳида эътибор беришни уқтириб ўтади.

Бугунги кунда буюк табиянинг ушбу сабоқларига амал қилиш аҳоли саломатлигини сақлашга қаратилган тадбирларни амалга оширишда муҳим аҳамият касб этади.

РОЛЬ УЧЕНИЯ АБУ АЛИ ИБН СИНО ПО ПРОФИЛАКТИКЕ ЗАБОЛЕВАНИЙ И ВЕДЕНИЕ ЗДОРОВОГО ОБРАЗА ЖИЗНИ

Бахриддинова М.А., Тилавов Б.Т., Джалолова Р.Ф.
Самаркандский Государственный медицинский институт

«Канон врачебной науки» Абу Али ибн Сино представляет собой уникальную медицинскую энциклопедию, состоящую из пяти книг.

В нем довольно подробно освещаются вопросы профилактики и соблюдения диеты, которые проходят красной нитью через все работы ибн Сино. Говоря о диете, он подчеркивает её значение при различных заболеваниях, но прежде всего для профилактики. Рассматривать пищевые продукты как лекарство и лечить многие заболевания с помощью определённой диеты. В частности, ученый описывает диету для детского и старческого возрастов у физически слабых людей. Многие рекомендации ибн Сино в области диеты на сегодняшний день могут быть приняты почти полностью для профилактики различных заболеваний. Самого пристального внимания требует у себя высказывание ибн Сино о несовместимости некоторых пищевых продуктов, так как в настоящее время эта проблема может открыть новые возможности в борьбе с все возрастающей аллергизацией организма современного человека. К числу наиболее вредных привычек он относил употребление вина после еды. Весьма интересным является высказывание ибн Сино о злоупотреблении алкоголем. Он утверждал, что постоянное пьянство вредно, оно портит натуру печени и мозга, вызывает заболевание нервов и внезапную смерть. Его можно в полном смысле считать основоположником диетотера-

пии.

Ибн Сино уделяет большое внимание физическим упражнениям, значению движения, купания в теплой воде, лечебного массажа. Подчеркивает влияние внешней среды на развитие патологического состояния.

Ибн Сино рекомендует широкое применение физических методов для лечения многих заболеваний, что даёт основание отнести его к основоположникам физиотерапии.

Ибн Сино твердо убеждает, что проблеме здоровья и болезни он рассматривал с социально-гигиенических позиций, что можно подтвердить следующими строками ученого: «Действенные причины - это причины, которые изменяют состояние тела или сохраняют его измененным. Таковы состояния воздуха и то, что с ним связано: еда, вода, напитки, жилища, телесные и душевные движения и покой. К этим причинам можно отнести сон, бодрствование, переход из одного возраста в другой, различия по возрасту, полу и ремеслу, привычкам».

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ «СЕМИЗЛИКНИНГ ОДАМ СОҒЛИГИГА ХАВФЛИЛИГИ ҲАҚИДА»

Зиёвитдинова Д.Ш., Тошпўлатова Д.Т.
Тошкент педиатрия тиббиёт институти
Шайхонтохур ўқув-даволаш комплекси тиббиёт колледжи

Семизлик – ташқи кўриниш муаммосигина бўлиб қолмай, балки энг аввало соғлиқ муаммоси, одамни узоқ умр кўриш муаммоси ҳам ҳисобланади. «Семизлик – касаллик, семириш – кексайиш» - демакдир, деб бежиз айтмаганлар.

Буюк аллома ўзи ёзган китоблари, асарларида бу ҳақда кўп тўхталган, яъни улар таъкидлашча одам танасида ёғнинг ҳаддан ташқари кўпчилиги атеросклероз ва саратон касаллиги хавфини кучайтиради, танани касалликларга қарши курашиш қобилиятини пасайтириши ҳақида тўхталганлар.

Шунингдек, юқорида айтилганлардан ташқари қалқонсимон без фаолиятини камайтиради, бунинг натижасида атеросклероз ва ўт тош касаллиги келиб чиқишига шароит яратилади, ҳамда тўсатдан содир бўладиган инфаркт, инсульт касалликлари келиб чиқишига шароит яратади. Шунинг учун семизликни инсон ҳаётига таъсир қилишини олдиндан билган ҳолда, ҳар бир ёшнинг ўзига хос оқилона овқатланиш тартиби, суткалик меъёри, ундаги овқат таркибидаги оқсил, ёғ, углеводларнинг муносиблигига аҳамият берган ҳолда қувлик овқат тартиби, яъни оз-оз, тез-тез истеъмол қилиши талаб этилади.

Ҳозирги кунда семизлик умрини қисқартираётгани ва наслдан наслга ўтаётган тиббиётдаги асосий муаммолардан бири бўлиб келмоқда. Касалланишлар, ногиронлик, барвақт ўлимнинг асосий сабаби нотўғри, нотабиий овқатланиш, яъни нафсини тия олмаслик ҳамда кам ҳаракатлик ҳисобларкан.

Хулоса қилиб айтганда, буюк алломанинг фойдали маслаҳатлари яъни, одамнинг ҳаёт ва фаолияти давомида танага қабул қилинаётган озиқ-овқатларнинг қуввати билан сарф қилинаётган қувват ўртасидаги барқарор мувозанатни сақлаш, ҳамда энг асосийси овқатланиш тартибини, меъёрини сақлаш кераклиги таъкидланиб, ўз аҳамиятини йўқотмасдан риоя қилиб келинмоқда. Шу билан бирга бир неча қондаларга амал қилиниши лозим, булардан: овқатни фақат очлик ҳисси бўлганда истеъмол қилиш, янги пийрилган овқатни истеъмол қилишга ҳаракат қилиш, овқатни тинч ҳолат бўлганда, яъни чарчаган ва асабийлашган бўлган пайтда бироз дам олиб кейин овқатланиш, овқатни секин, шошмасдан яхшилаб кўпроқ чайнаш, кўп овқат ейишдан сақланишлар кирди. Бунинг учун ёғ миқдори камайтирилган сут махсулотларидан истеъмол қилиш, гўшт, баликни ёғсиз хилларини кўпроқ ёғ ва мой ишлатмай таом тайёрлашда димлаш, яширин ёғлардан огоҳ бўлиш, улар пишлоқ, қолбаса махсулотлари, субтаомлардан музқаймоқда мавжуд. Бутербродлар учун ёғсиз пишлоқлардан фойдаланиш керак.

Бугунги кунда семизлик энг катта тарқалган сурункали касалликлардан бири. Ривожланган мамлакатларда ундан 9-30 % аҳоли изтироб чекади, семизликка учраган касалларнинг ярми артериал гипертензия, қандли диабет, 1/3 қисми гиперлипидемия билан касалланиши мумкин.

ЭПИДЕМИОЛОГИЧЕСКАЯ БЕЗОПАСНОСТЬ ПИТЬЕВОЙ ВОДЫ

Искандарова Г.Т.
Ташкентский институт усовершенствования врачей

Гениальный труд Абу Али ибн Сино «Канон врачебной науки» величайший по значению и содержанию памятник культуры – написан в 1012-1024 годах. Этот колоссальный свод медицинских знаний представляет собой одной из всех на пути развития подлинных идей связанных с борьбой за охрану здоровья человека.

В Узбекистане кропотливо изучается его творческое наследие. В нашей стране многие улицы, махали и культурные центры носят имя великого Ибн Сино. В своих трудах Абу Али ибн Сино большое внимание уделял качеству питьевой воды, так как вода может служить источником распространения болезней или вы-

звать долгосрочные проблемы со здоровьем, если она не отвечает определенным стандартам качества воды.

В современных условиях обеспечение населения доброкачественной питьевой водой является актуальной гигиенической, эпидемиологической и социальной проблемой из-за интенсивного химического и микробиологического загрязнения источников питьевого водоснабжения.

Продолжая великие учения Абу Али ибн Сино гигиенисты и эпидемиологи разработали Государственный стандарт Узбекистана «Вода питьевая» гигиенические и эпидемиологические требования контроля за качеством питьевой воды (Oz DSt 950:2011). Питьевая вода должна быть безопасной в эпидемиологическом отношении, безвредной по химическому составу, должна иметь благоприятные органолептические свойства, быть безопасной в радиологическом отношении. Выполнение этих требований достигается при соответствии показателей нормативов качества питьевой воды. Общее микробное число в 1 см³ воды должно быть не более 100. Число бактерий группы кишечной палочки (коли-индекс) в 1дм³ воды не более 3; Эшерихии (показатель свежего фекального загрязнения) в 300см³ не должно быть; колифаги в 200 см³ – должны отсутствовать; патогенные кишечные простейшие цисты лямблий, дизентерийных амёб, балантидий, а также яйца гельминтов в 25дм³ воды не должно быть.

Таким образом, проблемы улучшения водоснабжения населения и качества питьевой воды имеет общегосударственное значение и требует комплексного решения. Для достижения этих целей необходимо решение задачи по предотвращению загрязнения источников питьевого водоснабжения, обеспечению их соответствия эпидемиологическим требованиям, повышению эффективности и надежности функционирования систем водообеспечения за счет реализации водоохраных, технических мероприятий, совершенствования технологии обработки воды на водоочистных станциях, развитие систем забора, транспортировки и водоотведения.

ВЗГЛЯДЫ АВИЦЕННЫ И СОВРЕМЕННЫЕ ПРЕДСТАВЛЕНИЯ НА РОЛЬ МЕТЕОПАТИЧЕСКИХ ФАКТОРОВ В ТЕЧЕНИИ

Орзиев З.М., Мирзаева Д.Б.
Бухарский Государственный медицинский институт

Авиценна в своей книге «Канон врачебной науки» указывал на значение таких метеорологических факторов как времена года, воздух, климат в сохранении здоровья или в развитии заболеваний. Времена года должны чередоваться согласно своей последовательности, нарушение такой последовательности приводит к развитию заболеваний - говорил Авиценна. Авиценна связывал увеличение частоты воспалительных заболеваний с похолоданием воздуха - зимой, осенью. Холодный воздух вреден для легких, может вызвать болезни. Для изучения значения высказываний Авиценны мы исследовали влияние времен года, изменение атмосферного давления у больных с хроническими обструктивными заболеваниями легких (ХОЗЛ). Для этого мы использовали клинические и данные спирографии. Нами исследованы 119 больных с ХОЗЛ. Среди которых у 23 (19%) больных 1 стадия, у 44 (36%) - 2 стадия и у 52 (43%) больных 3 стадия ХОЗЛ. Падение температуры окружающей среды вызывало спастические, гипоксические и гипертензивные реакции, преимущественно у больных со 2 и 3 стадиями ХОЗЛ у 96 (80%) больных. Падение атмосферного давления, увеличение относительной влажности вызывали обострения болезни у 13 (18%) с легкой, у 18 (25%) со среднетяжелой стадией и у 41 (57%) больных с тяжелой стадией болезни. Таким образом, полученные нами результаты совпадают с суждениями Авиценны о связи климатических факторов, таких как температура, влажность среды, атмосферное давление на обострения этого заболевания.

ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ

Кушаков Н.Х., Каримов Н.К., Махмудов Н.И.
ТТА Фаргона филиали

Абу Али Ал Хусайин ибн Абдулло ибн Синонинг тиббиёт фанининг турли соҳаларидаги жуда ноёб ва керакли асарларида соғлом турмуш тарзини шакллантириш борасидаги тадқиқотлари ҳам салмоқли ўрин эгаллайди. Бугунги авлод учун ўлмас мерос қолдирган буюк аллома ўзининг умрибоқий асарларида соғлом турмуш тарзи ҳақида фикр юритар экан, бу соҳада замондош табибларидан фарқли ўлароқ ҳар бир масалани кенг ва чуқур таҳлил қилади. Муаммоларни кучли манتيқ ва ҳаётий омиллар воситасида очиб беради. Улуғ донишманд соғлом турмуш тарзи билан одоб-ахлоқ, оилавий муносабатлар ва табиат неъматларидан (қуёш, сув, ҳаво, ўсимлик озуқалари) тўғри фойдаланишни бир-бири билан узвий боғлиқ ҳолда талқин этади. Ибн Сино соғлом турмуш тарзини шакллантиришни бола туғилишидан олдин бошлаш кераклигини уқтириб, онани яхши парваришлаш, соғлиғи ҳақида ғамхўрлик қилиш кераклигини таъкидлайди. Буюк ҳаким соғлом турмуш тарзи асосан тозалик ва жисмоний тарбиядир деб ҳисоблаб, бадан тарбияси билан мунтазам

шугулланган киши табиб муолажасига эҳтиёж сезмаслигини айтади. Файласуф асарларидаги соғлом турмуш тарзи мавзуси ҳозирги замонавий тиббий қарашлар билан ҳар томонлама уйғунлиги кишини ҳайратта солади. Ибн Сино шунга кўра инсоннинг қуйидагиларга амал қилишни алоҳида таъкидлайди:

1. Мижозини мўътадил тутиш.
2. Овқатларни тавлаб истеъмол қилиш.
3. Бадан ва атроф муҳит тозаллигига эришиш.
4. Қадди-қоматни тўғри бошқариш.
5. Қийимларни тоза ва қулай кийиш.
6. Жисмоний ва ақлий (руҳий) меҳнатда меъёрни сақлаб билиш.

Юқоридаги фикрлардан кўриниб турибдики, улуг олимнинг минг йиллар олдин илгари сурган фикрлари бизнинг ҳозирги асримизга келиб ҳам ўз долзарблигини сақлаб қолганлиги унинг тафаккури бепойнлигидан далолат беради.

Маълумки, Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида инсон ва унинг насли соғлиғи ва касалликларига онд билимларни манتيқий тартибда тўла баён этган. Бунда соғлом инсон ва соғлом авлодга даҳлдор бўлган соғлиқни сақлаш, турмуш гигиенаси, тўғри овқатланиш масалаларига катта аҳамият беради. Халқ орасида соғлом турмуш тарзини шакллантиришда бобокалонимиз Ибн Сино таълимотини асос қилиб олиш, уни замонавий нуқтаи назардан ўрганиш мақсадга мувофиқдир.

Хуллас, кўхна шарқнинг буюк олими Абу Али ибн Синонинг соғлом турмуш тарзини шакллантириш ҳақидаги таълимоти бугун ҳам ўз қадрини йўқотмаганидек, келажак авлодлар учун ҳам нодир ўғитлар бўлиб қолаверади.

АҲОЛИ САЛОМАТЛИГИГА АТРОФ-МУҲИТ ОМИЛЛАРИНИНГ ТАЪСИРИ

Мустанов А.Ю., Абдуназаров М.Ж., Ша-Ахмедова Л.Р.
Тошкент тиббиёт академияси

Атроф-муҳитнинг антропоген ифлосланиши аҳолининг популяцион саломатлигига жиддий таъсир этиб, йилдан-йилга иқтисодий-ижтимоий шароитлар ўзгариши сабабли, инсон саломатлигига ташқи муҳит омиллариининг салбий таъсири долзарб муаммо бўлиб қолмоқда.

Шуни айтиш жонзори, бундан 1000 йил муқаддам Абу Али ибн Сино атроф муҳит омиллардан (ҳаво, сув, tuppoқ ва ҳ.к.) касалликнинг пайдо бўлишида муҳим роль ўйнашини айтиб ўтган. Турли юқумли касалликларнинг келиб чиқиши ҳамда тарқалишида ифлосланган сув ва ҳавонинг роли катта эканини уқтириб, сувни қайнатиб истеъмол қилишни тавсия этган.

Охирги 100 йил ичида инсоният ишлаб чиқаришни 100 маротабага оширди, энергияга бўлган эҳтиёж эса 1000 маротабага ошди. Бунинг натижасида жуда қисқа вақт мобайнида атмосферага катта миқдорда, 4 млн га яқин инсон соғлиғи учун хавфли омиллар, 180 мингдан кўпроғи эса заҳарли ва мутаген таъсирга эга кимёвий моддалар ажралган.

Ўтказилган тадқиқотлар шуни кўрсатмоқдаки, нафас йўллари аллергия касалликлари ва бронхиал астма касаллигининг тўсатдан кўпайиши (авж олиши) биохимиявий комбинатнинг ишга туширилиши билан боғлиқ бўлмоқда.

Нафас йўллари аллергия касалликлари сонининг бирдан ошиб кетишини Кириши шаҳри бўйича ўрганиш давомида аллергия ва бронхиал астма касалликларнинг сабабларини аниқлаш учун саноат корхоналарида ишловчи ишчилар орасидаги нафас йўллари касалликларларининг сони солиштириб чиқилди. Натижада эса патологик жараёнга энг кўп чалинганлар биокимёвий завод ишчилари бўлиб, ишлаб чиқариш ҳудудида жойлашган бошқа 5 корхона ишчилари ҳамда шаҳар аҳолисининг ўртача касаллиги кўрсаткичидан фарқ қилганлиги аниқланди.

Хулоса шуки, табиий муҳитнинг ҳар қандай ифлосланиши инсон учун салбий таъсир кўрсатади. Бу борада атмосфера катта роль ўйнайди. Бир кунда ўрта ёшли одам 9 кг ҳаводан нафас олади, 2 л сув ичади, 1 кг озиқ-овқат маҳсулотларни истеъмол қилади. Айрим ҳолатларда одам овқатсиз яшай олсада, лекин ҳавосиз 5 дақиқадан ортиқ яшай олмайди. Шунинг учун ҳаво орқали зарарланиш, сув, ўсимликлар ва бошқа компонентлар орқали зарарланишдан кўра кўпроқ таъсир қилади

Атроф-муҳитнинг ифлосланиши инсон соғлиғига таъсир қилади, шунга мос ҳолда турли система ва органларда патологик ҳолатлар кузатилиши мумкин.

ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИНИ ШАКЛЛАНТИРИШДАГИ ЎРНИ

Муталова З.Ж., Акрамова Н.А.

Республика саломатлик ва тиббий статистика институти

Мустақил Ўзбекистонимизнинг порлоқ келажагини таъминлаш учун теран фикрли, жисмонан соғлом, бақувват, руҳан тетик, интеллектуал салоҳияти баланд баркамол авлодни тарбиялаб, вояга етказиш тақозо этилади. Бундан Х аср муқаддам буюк қомусий олим, юртдошимиз Абу Али ибн Сино «Саломатликни сақлашнинг асосий маҳорати, инсон ҳаёти учун муҳим бўлган умумий омиллар мўътадиллигини таъминлашдан иборатдир», – деган эди.

Аллома назарда тутган мазкур омилларга: тана мутаносиблигини бир меъёردа сақлаш, семириб ёки ҳаддан зиёд озиб-тўзиб кетмаслик, озиқ-овқат ва ичимлик, ейиладиган ва ичиладиган нарсаларни танлаб истеъмол қилиш, овқатларни аралаш-қуралаш қилиб истеъмол қилмаслик, масалан: ўрикдан сўнг совуқ сув ичмаслик, танани чиқиндилардан тозалаш, мисол учун, ични ҳар куни бир вақтда ўтишига эътибор қаратиш, чунки ич қотиб қолиши ҳам касаллик ҳисобланади. Бурундан олинадиган ҳавони яхшилаш, яъни тоза ҳаводан тўйиб-тўйиб нафас олиш, фаслга кўра кийиниш, жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўътадил қилиш, уйқу ва уйғоқлик ҳолатига эътибор қаратиш лозим.

Бу дегани, соғлом бўлиш учун соғлом турмуш тарзига риоя қилиш лозим демакдир. Соғлом турмуш тарзи деганда эса, инсонга табиатдан туғма инъом этилган саломатликни сақлаб қолиш, уни мустаҳкамлаб бориш инсоннинг ўз танасига ва унинг ўз-ўзига бўлган муносабати тушунилади. Аллома соғлом турмуш тарзини кечиришда инсонларга жуда катта маданий мерос қолдириб кетдиларки, у киши қолдирган мерослардан ханузгача фойдаланиб келинмоқда. Жумладан, ҳомиладор аёлларга бўлган муносабатлар, чақалоқларни иложи борида кўкрак сути билан боқиш, чақалоқларга алла айтиб енгил тебратиш, гўдакларни жисмоний машқлар билан мусиқа остида шуғуллантириш кабилар.

Ибн Сино дунёда биричилар қаторида инсон ва атроф-муҳитнинг ўзаро муносабатини, одам тана тузилиши ва организм хусусиятларининг уни ўраб турган атроф-муҳитга, иқлимга, миллий урф-одатлар, турмуш тарзига бевосита боғлиқ эканлигини англаб етган.

Ибн Сино соғлом турмуш тарзини шакллантиришда ўз даврида 3 та катта тадбирларга ўз эътиборини қаратган. Жумладан, овқатланишга, жисмоний фаолликка, уйқу ва дам олишга.

Аллома соғлом бўлишда мизож ҳақида гапириб, мизожни 8 хил эканлигини ёзиб қолдирганлар. Масалан: куруқ, ҳўл, иссиқ, совуқ, куруқ-совуқ, иссиқ-ҳўл, куруқ-ҳўл, иссиқ-куруқ.

Келажақ авлод, фарзандларимизнинг фаровон ҳаёт кечиришлари учун уларда соғлом турмуш тарзи таъминлашнинг энг ёшлик чоғидан бошлаб сингдириб боришимиз, ёмон иллатларга қарши курашда фаолликни оширишимиз, жамиятнинг пойдевори бўлмиш ёшларни ҳар томонлама асраб-авайлашимиз, бу борада аждодлар меросидан, ўғитларидан ўринли фойдаланишимиз мақсадга мувофиқдир.

ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИНИНГ ВАЛЕОЛОГИК АСОСЛАРИ

Ниёзова Н.Ш.

Тошкент тиббиёт академияси

Ҳозирги глобаллашув даврида соғлом турмуш тарзини шакллантириш давлатлар сиёсатининг устувор йўналиши бўлиб, уларнинг инсонпарварлик моҳиятини намён қилади. Соғлом турмуш тарзини шакллантиришда улуг аждодларимиз қолдирган ноёб илмий меросларни чуқур ўрганиш, қолаверса ижодий ривожлантириш истиқболда янги имкониятларни қўлга киритишга замин яратди.

Шарқ дунёсининг буюк даҳоси Абу Али ибн Сино соғлом турмуш тарзини шакллантиришнинг ўзига хос хусусиятлари ва омилларини илмий ҳамда амалий жиҳатдан исботлаб берган. У ўзининг “Тиб қонунлари” асарида инсон саломатлигини сақлашда гигиена, спорт, географик макон, иқлим, коммунал қулайликлар, руҳий ҳолат, мусиқа, ахлоқ сингари омиллар ўрнини кўрсатиб, ҳаёт мукамаллигининг валеологик асослари илмий тамал тошини қўйган. Унинг “Тиб қонунлари” асари “дунё миқёсида “Медицина”, “Соғлом турмуш тарзи” деган тушунчаларнинг фундаментал асоси бўлиб хизмат қилгани, албатта, чуқур ҳаётий ва илмий заминга эга”.

Ибн Сино амалий табobati иккига бўлинади: 1) соғлом тана режими, яъни саломатликни сақлашга қаратилган тадбирлар; 2) носог (касал ичид) тана режими. Аҳамиятлиси шундаки, Ибн Сино тана режими деганда, айнан гигиенани бош масала деб билади: тўғри овқатланиш, кийимларни тоза туттиш, ҳушмуомалада бўлиш ва атроф-муҳит тозаланишига ҳисса қўлиши. Унинг амалий ва назарий хулосаларига кўра, гигиеник маданият соғлом турмуш тарзининг асоси эканлиги эътироф этилади.

Гигиенага маданий ёндашувда Ибн Сино бутун умр организмни турли йўл билан чиниктириш зарурлигини тавсия этади. “Айтмишки, соғлиқни сақлашда қуйидаги етти нарсани мўътадил қилишга кўпроқ эътибор берилиши керак” мизожни мўътадил қилиш, ейиладиган ва ичиладиган нарсаларни танлаш, гавдани

чиқиндидан сақлаш, бурунга тортиладиган ҳавони етарли ва яхши қилиш, кийимли нарсаларни яхшилаш, жисмоний ва руҳий ҳаракатларни мўътадил қилиш; шу ҳаракатлар жумласига маълум даражада уйқу ва уйғоқлик ҳам киради”. Хулоса қилиб айтганда, “Ибн Сино инсон мизожни ва тапши муҳит ўзаро муносабатини тадқиқ этиш орқали буюк инглиз биолог олими Ч.Дарвиндан 800 йил аввал эволюцион назариянинг кўпгина муҳим жиҳатларини башорат қилишга мушарраф бўлади”.

АБУ АЛИ ИБН СИНОНИНГ СОҒЛОМ ТУРМУШ ТАРЗИ ҲАҚИДАГИ ФИКРЛАРИ

Оташехов З.И.

Тошкент педиатрия тиббиёт институти

Буюк мутафаккир Абу Али ибн Сино инсонларни ҳар томонлама баркамол, жисмонан, руҳан ва ақлан соғлом бўлишлари ҳақидаги фикрлари катта аҳамият касб этади. Ибн Сино касалликларни даволашга катта аҳамият берган бўлсада, у амалий тиббиётнинг асосий вазифаси инсонларнинг саломатлигини сақлаш ва касалликларнинг олдини олиш деб билган. Ибн Сино бу йўналишда бир қатор тадбирларни ишлаб чиққан ва амалга ошириш йўлларини кўрсатиб берган. Абу Али ибн Сино саломатликни сақлаш тадбирларига қуйидагиларни киритган:

- киши мижозини мўътадил ҳолатга келтириш;
- ейиладиган ва ичиладиган маҳсулотларни тўғри танлаш;
- одам гавдасининг тўғри тузилишини сақлаш;
- танани чиқиндилардан тозалаб туриш;
- танага ва мавсумга мос кийим танлаш;
- нафас олинадиган ҳавони етарли ва яхши сақлаш.
- мўътадил равишда жисмоний ва руҳий ҳаракатлар қилиб туриш.

Ушбу тадбирлар қаторига у яна мўътадил уйқу ва уйғоқликни ҳам қўшган. Ибн Сино бу тадбирларни янги тутилган чақалоқдан бошлаб, то қариликкача ҳамма даврларда амалга ошириш зарурлигини алоҳида таъкидлаб ўтади.

Ибн Синонинг ёзишича, уйқу саломатлик учун зарур омиллардан биридир. Уйқунинг энг фойдалиси, бу тўлиқ, давомли ва чуқур тунги уйқудир. Кундузги уйқу кишини бўшаптириб, одамни лоҳас қилади ва меҳнат қобилиятини сусайтиради. Оч қоринга ухлаш ҳам зарарлидир.

Ибн Сино соғлиқни сақлаш тадбирларидан бадантарбияни биринчи ўринга қўйиб, уни асосий омил деб ҳисоблаган. Ундан сўнг овқатланиш ва уйқунини қўйган. Абу Али ибн Сино овқатланиш тартибига алоҳида эътибор қаратиб, овқат сифатли, сифатли маҳсулотлардан тайёрланиши, овқат овқатланувчининг мизожига мос бўлиши ва ҳар бир киши маълум бир вақтларда овқатланишни таъкидлаб ўтган.

Ибн Сино саломатликни сақлашда ҳўл мева ва сабзавотларнинг аҳамиятли эканлигини кўрсатиб, уларни овқатдан олдин истеъмол қилиш лозимлигини таъкидлаб ўтган. Ибн Сино табиатнинг соғломлаштирувчи кучлари бўлмиш сув, ҳаво ва қуёшга инсон саломатлигини сақловчи ва мустаҳкамловчи муҳим воситалар сифатида қараган ҳамда уларнинг инсон организмга таъсири ҳақида ўз фикрларини билдириб ўтган. Ибн Сино инсон саломатлигини сақлашда муҳим ўрин тутувчи омиллар қаторига турар жойларнинг қурилиши, инсоннинг руҳий ҳолати ва бошқа тадбирларни киритиб, ўз фикрларини айтиб ўтган. Абу Али ибн Сино томонидан кўрсатилган тадбирлар ва воситалардан фойдаланиш ҳақидаги тавсияларини ҳар бир шахс ўз турмуш тарзига киритиши лозим ва улар соғлом турмуш тарзини шакллантиришда муҳим ўрин тутди.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА ОЗДИРИШ ТАДБИРЛАРИ ҲАҚИДА

Саидова М.М., Қодирова Ш.С., Тиллаева Ш.Ш.

Бухоро Давлат тиббиёт институти

Оздириш тадбири семиртириш тадбирининг аксидир, бу ўз навбатида овқатни кам бериш, овқатдан кейин ҳаммомга тушириш, кучли бадантарбия қилдириш, узоқ вақт ўтказиб овқатлантириш, овқатни озиқ бўлмайдиган ва озиғи куруқ бўладиган нарсадан ва мазаси ўткир ёки шўр нарсаларни беришдан иборатдир.

Семиз инсонларнинг истеъмол қиладиган нонлари кепакли нон ва арпа нони бўлиши лозим ва овқатларига иссиқлик дориворлардан кўпроқ қўшилиши керак. Мўътадил бўлмаган турли бўшатишлар ва қусиш ҳам оздириш тадбирларига киради, чунки овқатдан кейин бўладиган қусиш мўътадил семиртиради, лекин кўп қусиш оздиради. Мизожни семиртиришни келтириб чиқараётган мизожнинг тескарисига айлантириш, агар мизож совуқ бўлса, иситиш тадбирини қўллаш билан, агар мўътадил ҳарорат бўлса, совуққа ёки ҳаддан тапқари иссиққа мойил қилиш билан бўлади. Семиз кишиларга кучли бадантарбия ва турли бўшатиш тадбирларини юклаш керак, чунки, бу тадбир килтларга уч хил таъсир кўрсатади ва бу

таъсирларнинг ҳар бири озишга ёрдам беради. Уч таъсирнинг бири шуки, хилтларни сукултириб қуйюлганликдан узоклаштиради ва тарқалишга мослаштиради. Яна бири шуки, қуйидаги тадбирлар хилтларни қўзғатиб, томирлардан бошқа томонга йўналтиради ва қонга тортувчи қувват етказмайдиган ўткир кайфият беради. Сукултирувчи дорилар кўпроқ вақт бўғим оғриқларида ишлатиладиган дорилардан иборат бўлиб, улар сийдикни юргизишда ҳам кучли таъсирга эга бўлади. Аммо овқатга аралашиб, томирларга қараб йўналдиган, томирлардан моддаларни олиб, уларни сўрувчи майда томирларга ҳамда сийдик йўналтиришга кодир бўлмайдиган мўътадил дорилар ишлатилмайди. Оздирити мақсадида кишилар наҳорда ҳаммомга тушишлари, ҳамом эса ҳаволи ва терлатадиган бўлиши, сувли ва рутубатлаштирувчи бўлмаслиги лозим. Ҳаммомдан сўнг овқатланишга шошилмаслик, балки сабр қилиб етиш, бадантарбия қилиш сўнг ором олиш, шундан кейин озгина ва енгил овқатланиш керак. Шунингдек, бундай кишиларни уқалаганда кетма кет ва рутубатларни тарқатадиган равишда уқалаш лозим.

Демак, Ибн Сино таълимоти нуктаи назаридан, овқатни кам истеъмол қилиш, ҳаммомга тушиш, кучли бадантарбия, уқалаш, ва мизожга хос парҳез таомномани тавсия қилиш семиз кишиларни оздириш учун асос бўладиган тадбирлардандир.

ВЕЛИКИЙ АВИЦЕННА О РАЦИОНАЛЬНОМ ПИТАНИИ

Салиева М.Х., Юсупов К.М., Мирзаева М.М., Холмирзаева С.С., Султонов А.
Андижанский Государственный медицинский институт

Многие аспекты этой проблемы актуальны и в настоящее время вследствие увеличения различных форм нарушений сна. В связи с этим целью нашей работы явилось определение морфо - функциональных показателей здоровья студентов начальных курсов обучения в ВУЗе в зависимости от продолжительности сна. Индивидуальная оценка здоровья проводилась с использованием методов, характеризующих функциональные девушки, практически здоровых, с разной продолжительностью сна - нормальной (7-8 часов) и укороченной (4-5 часов). Материал обработан статистически по группам, в зависимости от пола и продолжительности сна. Выявлена статистически достоверная обратная коррелятивная взаимосвязь продолжительности сна с возрастом. В среднем у малоспящих юношей и девушек она составляла $5,5 \pm 0,31$ и $5,6 \pm 0,26$ часов соответственно, и у лиц нормальноспящих $7,92 \pm 0,15$ и $7,90 \pm 0,23$ часов. У всех обследуемых произведены определения параметров физической работоспособности (ИМТ - индекс массы тела, сила мышц кисти, коэффициент адаптации к физической нагрузке) и основные показатели состояния гемодинамики (ЧСС - частота сердечных сокращений, АД - артериальное давление, ударные и минутные объемы крови, % насыщения крови кислородом). ИМТ у юношей и девушек, нормальноспящих оказался выше, чем у малоспящих. Сила мышц

кости и реакция на физическую нагрузку показали, что адаптивные способности к работе у малоспящих были выше только у юношей. У обследуемых с укороченным ночным сном, особенно у девушек, отмечался более частый ритм ЧСС и более удовлетворительная реакция на нагрузку, лучшая насыщаемость крови кислородом при нормальных значениях АД, ударного и минутного объемов крови, во всех группах обследуемых. Все это свидетельствует о высоких резервах сердечно - сосудистой системы у лиц с малой продолжительности сна.

При анкетировании установлено, что чем больше активность индивида, чем больше времени уделяется работе, тем меньше требуется времени для сна. Студенты, которые меньше спят, больше времени уделяют учебе, работе по дому, общению с друзьями.

Полученные нами материалы могут быть использованы в качестве медико-биологического обоснования труда и отдыха студентов ВУЗа.

ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА МИЗОЖ ҲАҚИДА

Бобоева З.Н., Қодирова М.М., Бобоева Р.Н.
Тошкент тиббиёт академияси

Ибн Сино тиб илмини назарий ва амалий қисмларга бўлган. Унинг фикрича назарий қисм тибнинг асосий қоидаларини, яъни касаллик турлари ва сабабларини аниқлайди. Амалий қисм эса, тадбир амалининг қандай бўлишини кўрсатади. Ибн Сино назарий билимлар доирасида унсурлар, мизожлар, хилтлар, аъзолар ва уларнинг тузилиши, функциялари ҳақидаги тушунчаларни киритган.

Шунингдек, Ибн Сино фикрича, аъзолар яхши сифатли хилтларнинг бир-бирлари билан қўшилишидан ҳосил бўлади, хилтлар эса, унсурлардан келиб чиқади. Демак, аъзолар хилтлар орқали келиб чиққан унсурлардир. Олимнинг фикрича, бу жараён мизожларнинг иштирокида амалга ошади.

Олимнинг таъкидлашича, бу тушунчаларнинг ҳар бири ўзига хос моҳиятга эга.

Ибн Сино мизож масаласига катта эътибор берган. Олимнинг фикрича, касалликларни аниқлашда тана ва аъзоларнинг мизожини билиш муҳим аҳамиятга эга. Шунингдек, Ибн Синонинг ёзишича, мизож туғма ва аразий. яъни, кейин орттирилган бўлиши мумкин. Шунингдек, мизожнинг мўътадил бўлиши энг фойдалидир. Бундай мизожли одамнинг ҳамма ҳаракатлари мутаносиб ва такомиллашган бўлади. Мўътадиллик ҳолатига олим шундай таъриф берган: «Мўътадиллик – мизож эгасининг бутун гавдасида ёки бир аъзосида унсурлар миқдори ва хусусиятлари билан одамнинг мизожига керагича энг тўғри тақсимланиб, энг тўғри нисбатда тўла-тўқис бўлинганлигидан иборатдир».

Номўътадил мизож ҳақида олим қуйидагича фикр юритади:

«Номўътадил мизож шундай ҳолатки, унда организмдаги иссиқлик ва совуқлик, қуруқлик ва ҳўллик хусусиятлар ўзаро мувозанатда бўлмай, уларнинг бири устун келиб қолган бўлади». Ибн Сино номўътадил мизожни оддий ва мураккаб хилларга бўлган. Оддий номўътадилликда хусусиятлардан бири керагидан ортиқча бўлиб қолади. Мураккаб номўътадил мизожда икки хусусият бир вақтда керагидан ортиқ бўлиб қолади.

Ибн Синонинг фикрича, дориларнинг ҳам ўзига хос мизожлари бўлади. Доридаги мизож турли танага турлича таъсир этади. Масалан, бир дорининг мизожи одам гавдасига нисбатан иссиқ, илон гавдасига нисбатан совуқ таъсир этиши мумкин. Шунингдек, бир дорининг мизожи бир киши гавдасига нисбатан кўпроқ иссиқ, бошқа бир кишининг гавдасига камроқ иссиқ таъсир этиши мумкин.

АБУ АЛИ ИБН СИНО КАСАЛЛИКЛАРНИ ИНСОН МИЗОЖИГА ҚАРАБ ДАВОЛАШНИНГ АҲАМИЯТИ ТЎҒРИСИДА

Бобоева Ў.Р., Касимова М.Б.
Тошкент Тиббиёт Академияси

Қадимги табобатда касалликни даволаш асосан кишиларнинг мизожига кўра белгиланган. Ҳар бир кишининг мизожи, унинг танасининг ранги, тили, томир уриши, кўз склерасига қараб аниқланган ва шунга мос равишда мизожли дори-дармонлар тавсия қилинган.

Буюк аллома Абу Али ибн Сино фикрича, ҳар бир инсон баданида, ҳоҳ у катта одам бўлсин ёки бола бўлсин унинг баданида маълум бир хилтлар (унсур)лар бор. Бу хилтларга балғам, қон, сафро ва ҳақозолар қиради. Булар бир-бирига тенг ўзаро мутаносиб бўлгандагина, инсон соғлиги яхшиланади. Бу унсурларнинг мувозонати бузилса, хасталик рўй беради. Инсон ораганизми карама-қаршиликлардан иборат бўлиб, иссиқ ва совуқ, суюқ ва қуюқ, аччиқ билан шириннинг бир-бирига нисбати баб-баробар бўлса, инсон организм касалликка чалинмайди. Бордию, улардаги мувозанат бузилса, яъни иссиқлик ошиб, совуқлик етишмай қолса, одам аъзолари касалланади деб таъкидлаган эди Абу Али ибн Сино.

Абу Али ибн Синонинг айтишича, бир-бирига ўқшаш мизож камдан-кам учрайди ёхуд умуман бўлмайди. Шунингдек, танамиздаги тўқима ва аъзолар турли ҳаракат ҳамда намликка эга экан. Абу Али ибн

Сино қора талок, жигар, юрак, қон, шоҳ томирлар, тери ва мушакларни иссиқ аъзолар деб атаган. Асаб, суяк, тоғай, ички аъзоларни совуқ аъзолар қаторига киритади. Ибн Сино одамларнинг мизожини уларнинг ёшига қараб белгилаган. Масалан, гўдак сут мизождир. Боланинг эмган сутни организмдаги хилтларни мудом тартибга солиб туради.

Алломанинг фикрига кўра, ёши ўтган инсонлар кучли таомларни кам истеъмол қилишлари керак. Чунки, бу инсонларнинг баданидан сув хийла қочган, қон томирлари склерозга учраган бўлади. Абу Али ибн Сино фикрига кўра, ёши улғайган одамлар юраги мижғиб оғриса, боши айланса, оғзидан аччиқ сафро келса, жигар ва ўт қопида касаллик аломатларидан далолат беради. Бундай инсонларга ўта қувватли овқатлар, мисол учун, хамирли овқатлар, балиқ, кўй гўшtidан пиширилган овқатлар тавсия этилмайди. Бундай мизожли инсонларга суви қочган нон, сабзавотли салат, сариеғ, қайнатилган тухум, ёғсиз пўрва, шир чой, мева шарбатлари тавсия этилади.

Улуг табибнинг таъкидлашича, болаларнинг суяклари ва асаблари юмшоқ экан, шунинг учун уларнинг мизожи кўпинча мўтадил бўлади.

Ҳар бир одам мизожини яхши билиши, ва ўзи ёқтирган таомлар ҳамда дори-дармонларнинг табиати билан кизиқиши зарур, шундагина касалликлардан тузалиш осонлашади.

Хулоса қилиб айтганда, мизожни билмасдан дори-дармон қабул қилиш худди кўр-кўрона даволашнинг ўзгинасидир.

ИБН СИНО МИЗОЖ ҲАҚИДА

Джуманиязова З.Ф.

ТТА Урганч филиали

Жаҳон фани, хусусан тиббиёт тараққиётига улкан ҳисса қўшган Абу Али ибн Сино ватандош алломаларимиздан бири ҳисобланади. Ибн Сино асарлари ҳозиргача долзарблигини йўқотмаган. Масалан, Ибн Синонинг мизож ҳақидаги фикрлари муҳим аҳамиятга эга.

Инсонлардаги қарама-қарши кайфиятларнинг бир-бирига таъсири маълум бир чегарага етганда пайдо бўлган кайфиятга мизож дейилади. Қувватлар билан бир-бирларига таъсир қилишлари натижасида ҳаммасига мос бир кайфият вужудга келади. Ана шу кайфият мизождир. Ибн Сино қувватларни тўрттага ажратади: иссиқлик, совуқлик, хўллик, қуруқлик. Мизож иккига бўлинади. Биринчиси: мизожнинг ҳақиқий мўтадил бўлмоғи керак, мизож эгасидаги қарама-қарши кайфиятларнинг миқдорлари тенг бўлади. Ана шу миқдорларнинг ораларидаги ўрта кайфият ҳақиқий мўтадил мизождир. Иккинчиси: қарама-қарши кайфиятлар орасидаги мизож мутлақо ўртада бўлмай, икки томоннинг бирига, яъни совуқлик ва иссиқликнинг бирига, ёки хўллик ва қуруқликнинг бирига, ёки ҳар иккисига мойилроқ бўлишидир. Мўтадиллик - мизож эгасининг бутун гавдасида ёки бир аъзосида одамнинг мизожига керагича энг тўғри тақсимланиб, энг тўғри нисбатда тўла-тўқис бўлиганлигидан иборатдир.

Энди турлар эътиборга олинганда ҳақиқий мўтадилликка энг яқин тур одамдир. Агар одамлар экваторга яқин манзилда турсалар ва ернинг ободлигини бирон ерга мансуб сабаб, яъни тоғлар ва денгизлар бузмаса, у ернинг одамлари мўтадилликка яқин гуруҳга мансуб бўлади.

Бошқарувчи аъзолар ҳақиқий мўтадилликка унчалик яқин эмас; ҳақиқий мўтадилликка энг яқин аъзо гўшт, гўшtidан ҳам яқинроғи теридир.

Гавда терисининг энг мўтадили қўл териси бўлиб, қўл терисининг энг мўтадил жойи қафт териси, бунинг эса мўтадил жойи қафт ўртасининг териси, бундан мўтадилроғи бармоқлар териси, бунинг энг мўтадил жойи бармоқ учининг терисидир.

Маълум бир дори иссиқ ё совуқ десак, у дори ўз моддасида иссиқликнинг ё совуқликнинг низоътида деган маънони тушунмаймиз, ҳамда ўз моддасида одам гавдасидан иссиқроқ ё совуқроқ деган маънони ҳам тушунмаймиз. Бу ҳолда мизож одам мизожига ўхшаш бўлган дори мўтадил бўлар эди. Лекин бу дори иссиқ ё қуруқ дейишдан муқаррир бу доридан одам гавдасида бўлиб турганидан юқориқ иссиқлик ё совуқлик пайдо бўлади, деган маънодадир. Балки бир дори бир инсон гавдасига нисбатан иссиқ бўлганидан кўра, иккинчи одам гавдасига нисбатан камроқ иссиқ бўлади. Шунинг учун муолажа қилувчиларга бир дори мизожни ўзгартиришда фойда бермаганида доим биргина ўша дорини қўлламаслик керак. Ибн Синонинг бу фикрларида ҳозирги кун фармакотерапия тамойилларидан ҳар бир инсонга дориларни индивидуал, рационал танлаш каби тамойилни англаб оламиз.

ИБН СИНО АЪЗОЛАР, ЁШ ВА ЖИНС МИЗОЖЛАРИ ҲАҚИДА

Джуманиязова З.Ф.

ТТА Урганч филиали

Ҳар бир аъзога имконият кўтарганича ўзига лойиқ ва унинг фаолиятига муносиб мизож берилган. Одамга шу оламда бўлиши мумкин бўлган ва одамнинг таъсир кўрсатиш ва таъсирланишига восита бўладиган қувватларга муносиб энг мўтадил мизож берилган. Баъзи аъзо иссиқроқ ва баъзиси совуқроқ, баъзиси қуруқроқ ва баъзилари хўлроқ. Гавдадаги энг иссиқ нарсаярак. Ундан кейинги даражада турувчи қондир. Чунки қон жигарда пайдо бўлса ҳам ярак билан боғлиқлиги учун жигарда йўқ иссиқликни у ерда олади. Ундан кейинги даражадаги иссиқ мизожли аъзо жигардир. Чунки жигар қотган қон кабидир. Ундан кейин ўпка, ундан кейин гўшт туради. Гўшtidа совуқ мизожли бўлган асаб толалари келиб туташини сабабли унинг иссиқлиги ўпканикidan камроқдир. Гўшtidан кейин иссиқ мизожли аъзо мушаклардир. Кейинги ўринда талок, буйраклар туради. Ундан кейингиси ҳаракатли томирлар – артериялар. Уларнинг иссиқлиги асабга нисбатли модддан бўлганлиги сабабли эмас, балки ўзлардаги қон ва руҳнинг иссиқлигини қабул қилишлари сабабидир. Артериялардан кейин ҳаракатсиз томирлар – веналар табақаси туради, булар иссиқликни фақат қондан олади. Ундан кейин тери ва низоът қафтнинг мўтадил мизожли териси туради.

Гавдадаги энг совуқ мизожли нарсая балғам, ундан кейин чарви, ёғ, мўй, суяк, тоғай, бойлоқ, пайлар, пардалар, асаблар, орқая мия, бош мия ва низоът теридир.

Гавдадаги энг хўл нарсая балғам, қон, ёғ, чарви, бош мия, талок, буйраклар, мушаклар, кейин теридир.

Ибн Сино ёшни умуман тўрт қисмга ажратади. Ўсиш ёши - ўсмирлик ёши деб айтилади. Бу ўттиз ёшгача давом этади. Ўсишдан тўхташ ёши ёки ёшлик даври – бу ўттиздан ўттиз беш ёки қирқ ёшгача бўлган давр. Қисман қувват бўлатуриб, чўкиш ёши бу ўртгача ёшдаги кишиларга мансуб бўлиб, олтмиш ёшгача давом этади. Кучсизлик билан бирга чўкиш ёши, бу умр охиригача чўзилиб, қарияларнинг ёшидир. Ушбу фикрлар ҳозирги кун гернотрия фанидаги ёш бўйича таснифнинг шаклланишига ўз таъсирини кўрсатган.

Болаларнинг, ёшларнинг баданлари мўтадил даражада иссиқ. Ўрта ёшлилар ва қарияларнинг баданлари совуқ. Лекин болаларнинг баданлари ўсаётганликлари учун мўтадилдан хўлроқ. Болаларнинг суяклари ва асаблари юмшоқ.

Аммо ўрта ёшлилар ва хусусан қариялар жуда совуқ мизожли бўлиш билан бирга жуда қуруқдирлар. Буни суякларнинг каттиқлиги ва териларнинг қуруқлиги асосида тажриба қилиб билинади.

Жинслар (эрлар ва хотинлар) эътибори билан мизожларнинг айирмасига келсак, хотинлар эркакларга нисбатан совуқ мизожлироқдирлар. Шунинг учун тузилишда эрларга қараганда кучсиздирлар. Ҳамда мизожлари хўлроқ. Мизожлари совуқлиги натижасида чиқиндилари кўп, жисмоний ҳаракатларнинг озлигидан гўшtlарнинг моддаси ғовақроқдир.

Шимолдаги шаҳарларнинг аҳолилари ва сув билан боғлиқ ишларда ишловчиларнинг мизожлари хўлроқдир, бунга қарши шароитда яшовчи кишилар аксинчадирлар.

Ибн Сино мизож билан шуғулланиб, маълум қондаларга асосланган ўзига хос тасниф тузган. Алломанинг табобат фани соҳасидаги хизматлари айниқса буюқдир. Ибн Синонинг фалсафий таълимотлари фақат Шарқдагина эмас, балки Ғарбий Европа мамлакатларида ҳам кенг ёйилди ва Уйғониш даврида илмий дунёқарашнинг вужудга келишида катта аҳамият касб этди.

ИБН СИНОНИНГ МИЗОЖ ТАЪЛИМОТИДА РУҲ ТАЪЛИМИНИНГ ТАЛҚИНИ

Кенжаев А.Ф.

Ўзбекистон халқ табобати академияси

Руҳ тўғрисидаги тушунчалар, қадимги Мисрда пайдо бўлган бўлсада, кейинчалик Юнон олимлари уни пневма - жон деб тушунтирадилар. Аммо Шайх ур-раис уни жон – пневма эмас, организмни таркибий қисмларидан бири бўлиб, унинг борлиқ сифати билан ҳайвон танасидаги барча ҳаётий жараёнлар кечади ва тана тирик бўлади, деб тушунтиради. Руҳ деганда биз ҳайвоний руҳни тушунамиз.

Инсон танасида ҳайвоний руҳ овқат ҳазмининг учинчи босқичида ҳосил бўлган табиий хилтларнинг латиф ва буг қисмларининг юракнинг чап қоринчасида ўзаро имтизож аралашувидан ҳосил бўлган самовий жисмдир чунки, биз уни кўра олмаймиз балки унинг инъикоси бўлмиш инсон набзи ва гавдасининг тузилиши – темпераментини ўрганиб хулосалаймиз. Ҳайвоний руҳ мўтадилликка нисбатан тана аъзолари ичида энг иссиғидир. У юракдаги ҳаётий қувватларни қабул қилиб, ҳаётий руҳ идишлари юрак ва артерия қон томирларини ҳаракатга келтиради. Оқибатда уларнинг инкибоз ва имбисот ҳаракатлари туфайли қон билан бирга, аммо у билан аралашмай бутун танага тарқалади ва танадаги ҳис ҳаракат қувватларининг ҳаракатларини ва физиологик жараёнларни бажаришини таъминлайди. Қон билан тана бўйлаб тарқалганда раис аъзоларига етиб борган қисми уларнинг мизожини қабул қилиб, улардаги қувватларини ҳаракатга

келтиради ва шу аъзоларнинг тирикчилиги, яшаши ва озикланиши ўз ишларини бажаришини таъминлайди.

Чунончи бош мия таркибида сувнинг латифлиги ва балғам бўлиб мизожни мўътадилликка нисбатан совуқ ва ҳўлроқ бўлган нафсоний руҳга, жигарда таркибида ҳавонинг латифлиги ва қоннинг бўлиб ортан мизожни мўътадилликдан майинроқ, иссиқ ва ҳисда ҳўлроқ, табиий руҳга айланади. Моякларда эса, таркибида савдонинг латифлиги ва ернинг қуруқлигини мужассамлаштирган мизожни мўътадилликка нисбатан майинроқ, аслида совуқроқ бўлсада, ҳисда ҳўл бўлган тугдирувчи ҳаётий рўйга айланади. Инсон танасининг тузилиши, ҳатти-ҳаракати, ҳис-туйғуси, вужуд – истаклари ва қобилият каби физиономия шахс темпераментини шакллантиради.

Шахс темпераментининг шаклланиши ҳаётий руҳнинг сифат ва микдорига боғлиқ. Ҳаётий руҳнинг сифати уни шакллантирувчи хилларнинг латиф ва буг қисмини юракнинг чап қоринчасидаги имтизож аралашуви ва аралашув жараёнидаги устунликка эришган иккиламчи хилларнинг мизожни билан характерланади. Ибн Синонинг руҳ таълими билан инсон танаси ва аъзоларининг бир бутунлиги илмий жиҳатдан минг йил олдин исботлаб берилган.

АБУ АЛИ ИБН СИНО МИЗОЖ ТАЪЛИМОТИ АСОСЧИСИ

Кенжаев А., Қодирова Ш. С.
Бухоро Давлат тиббиёт институти

Марказий Осиёда тиб илмининг шаклланишида Гундишопур академияси орқали етиб келган юнон тиббиётининг мизож, унсур, хилт каби таълим ва гипотезалари асос вазифасини бажарди.

Шайх ур-Раис юнон олимлари Эмпедоклнинг 4 стихисини (унсурлар)ни, Каратонлик файласуф ва врач Алкмеонни қразис (мизож), Кинидос мактаби томонидан ишлаб чиқилган хилтлар тўғрисидаги таълим ва гипотезаларни ўрганиб таҳлил қилиб, ҳаётий кузатуви ва амалдаги исботларга таянган ҳолда, ўзининг ҳаёт тўғрисидаги мизож таълимотини яратди.

Бу таълимот асосида у моддий дунёнинг бошланғич шаклланишини, унинг ўсиши, ривожланиши, насл қолдириши, қариши, касал бўлиши, ўлиши сабабларини изоҳлаб берди. У ёзган моддий дунёдаги барча борлиқ унсурларгача бўлинади. Унсурлар материянинг асосидаги самовий инерт жисмлар, уларнинг ўзаро имтизож аралашуви жараёни натижасида улардаги зид сифатларнинг синиши натижасида устунликка эришган мунфоила сифатларни қабул қилиши туфайли янги фаол сифатли иккиламчи унсурли жисм шаклланади. Шаклланган жисм таркибидаги унсур сифати шу жисмнинг мизожни, аниқроғи мизож қувватини намоён қилади. Иккиламчи унсурдаги сифатлар фоила сифатли иссиқ ёки совуқ, мунфоила сифатли ҳўл ёки қуруқ бўлади, яъни иссиқ-ҳўл, иссиқ-қуруқ, совуқ-ҳўл, совуқ-қуруқ. Моддий жисм мизожидagi фоила сифати иссиқлик ва совуқлик қувватлари билан бошқа моддий жисмга таъсир қилади ва мунфоила сифатли ҳўллик ва қуруқлиги билан уларнинг таъсирини қабул қилиб барча ҳаётий зарурий жараёнларни бошдан кечиради, яъни дунёвий мавжудотлардаги барча биологик жараёнлар улардаги мизож қувватлари сабабли сифат ўзгаришлари билан кечади, деб таълим беради.

Шайх “Тиб қонунлари” асарида, инсон танаси тузилиши, аъзоларининг шаклланишини, уларнинг фаолиятидаги кечинмаларнинг ўсиши, улғайиши, касаллик ва унинг сабаблари, даволаш ишларини, қариш, ўлиш ва ҳаттоки иш қобилиятини мизож таълимоти қонуниятлари асосида тўла илмий жиҳатдан исботлаб берган.

УЧЕНИЕ АБУ АЛИ ИБН СИНО О «МИЗАДЖЕ»

Кушмуродов Ё.Х., Бахриддинова М.А., Хакимова Х.Х.
Самаркандский Государственный медицинский институт

Одним из основных фундаментов, на которых основывалось учение Ибн Сино, одной из главных теорий медицины того времени, являлось учение о «мизадже». Арабское слово «мизодж» означает – «смешение», «смесь». В русской транскрипции означает – «натура», в латинской – «темперамент».

Учение о «мизадже» является весьма оригинальным, во многом загадочным и самым древнейшим из теорий медицины, дошедших до нас и широко применяемой в настоящее время во многих странах Востока. Её основа была заложена еще до нашей эры древнегреческим врачом и философом Эмпедоклом (490-430 гг. до н.э.), который утверждал, что многообразие вещей тесно связано с четырьмя корнями: землей, водой, воздухом, огнем. Эти корни являются материальной основой мира и обладают определенными физическими свойствами. Так, для земли характерны холодность и сухость, для воды – холодность и влажность, воздух характеризуется горячностью и влажностью, а огонь – горячностью. Эмпедокл считал, что разделение или соединение каждого из этих основ зависит от действия двух противоположающихся сил: «дружбы» и «вражды».

В последующем Гиппократ (460-377 гг. до н.э.), используя учения Эмпедокла, а затем Гален (129-201 гг. н.э.) сделали попытку создать классификацию о четырех темпераментах на основе учения о четырех глав-

ных соках организма (кровь, слизь, желчь желтая и черная), которые обуславливают здоровье и болезнь, темперамент и конституцию.

Согласно этой классификации, все люди подразделяются на следующие типы (темпераменты): холерики, сангвиники, меланхолики и флегматики.

Фактически это явилось первым шагом к началу учения о конституции человека, которое в дальнейшем послужило основной теоретической и практической медицины, и было дополнено новыми положениями. Так, Абу али ибн Сино, основываясь на теории Гиппократа и Галена о четырех соках, определяющих свойства организма, создал свою концепцию «мизаджа», являющуюся основной универсальной схемой формирования индивидуально-типологических особенностей человека.

На основании многочисленных опытов и клинических наблюдений Ибн Сино приходит к заключению, что в основе всех жизненных явлений лежат две противоположности: «горячее - холодное» и «сухое - влажное» и равновесие этих четырех основ создает здоровое состояние организма, и называется «уравновешенная натура».

Таким образом, учению Абу али ибн Сино о «мизадже» основанному на теории своих предшественников, характерны полнота и сложность.

ДОРИ ПРЕПАРАТЛАРИ ЯРАТИШДА “МИЗОЖ” НАЗАРИЯСИ

Миралимов М.М., Юсупова Г.С.
Тошкент фармацевтика институти

Буюк олим Ибн Синонинг шифобахш гиёҳлардан дори воситалари тайёрлаш ҳақидаги жаҳон таълимоти ҳозирги кунда фармация соҳасидаги энг долзарб масалалардан бири ҳисобланади, бунга жаҳон олимлари сўзсиз эътироф этадилар. 2007 йил 27 июль Франция пойтахти Парижда бутун дунё олимлари иштирокида ўтказилган “Ибн Сино башарият олими” – халқаро анжуманида “Ибн Синонинг тиббиёт, фармацевтикага қўшган улкан ҳиссаси ва фармацевтика соҳасида ҳозирги кунда ҳам катта аҳамиятга эга экани қайд қилинди ва бундан кейин ҳам шундай бўлиб қолади” деб ҳулоса қилинди.

Тадқиқот мақсади Абу Али ибн Синонинг “мизож”ига ва дори “мизожни” асосида беморларнинг дардларига малҳам бўлаётган она юртимизда ўсаётган маҳаллий ўсимлик хом-ашёларидан дори ишлаб чиқаришни ташкиллаштириш, Республика аҳолисининг дори-дармонларга бўлган эҳтиёжини қондириш, ишлаб чиқариш технологиясини ва усулларини янада такомиллаштиришдан иборат.

Ибн Синонинг маҳаллий, табиий шифобахш хом-ашёлардан дори воситалари тайёрлаш услублари баён этилган асарларидан фойдаланиб, унинг “Мизож” назарияси асосидаги қонун-қоидаларини ҳозирги кундаги дори ишлаб чиқариш қонун-қоидалари билан уйғунлаштириб ўрганиш, шу асосда дори воситалари тайёрлаш, технологик тизимларни янада мукамаллаштиришга боғлиқ муаммоларни ҳал этиш борасидаги вазибалар ишнинг асосини ташкил қилади.

Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 2001 йил 10 июлдаги “Доривор ўсимликларни ўстириш ва улардан дори препаратлари олиш технологиясини яратиш” ҳақидаги қарори дориворларни бу масалага жиддий аҳамият бериш зарурлигига давъат этади.

Ибн Синонинг фундаментал “Мизож” назариясида бирламчи кучлар, иссиқлик, совуқлик, ҳўллик ва қуруқлик ўлчов бирлиги сифатида қабул қилинган. “Бирламчи мизож” дори модданинг физик-кимёвий, фармакологик хоссаларини кўрсатса, “Мизож” назариясига асосан дори воситасининг “Иккиламчи мизож”и – бемор “мизожни”га мос бўлган табиий, маҳаллий, доривор хом-ашё ва ёрдамчи моддалар аралашмаларини танлаб, технологик жараёнларни шунга яраша мослаштириш зарурлигини кўрсатади.

Ибн Синонинг назарий кўрсатмалари ва ҳозирги кундаги дори ишлаб чиқариш қонун-қоидалари мувофиқлаштирилиб ўтказилган илмий изланишлар асосида маҳаллий, хом-ашёлардан бемор мизожига мос препаратлар ишлаб чиқариш; яқка тартибдаги, кичик турқумдаги дори ишлаб чиқариш қорхоналари ишини ривожлантириб, Республика аҳолиси эҳтиёжи ҳажмида; юқори самарадор дори препаратлари ишлаб чиқариш имкониятлари борлиги аниқланди.

АБУ АЛИ ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА МИЗОЖ ҲАҚИДА

Низомов Қ.Ф., Назаров Ж.А., Алиева В.Ш.
Республика илмий ихтисослашган аллергология маркази

Мизож тушунчасига Абу Али ибн Сино шундай таъриф берган: “унсурларнинг нияҳат даражада майда бўлақларидаги қарама-қарши кайфиятларнинг бир-бирига таъсири маълум бир чегарага етганда пайдо бўлган кайфиятга мизож дейилади”. Бинобарин, Ибн Сино мизож тушунчасини тўғридан-тўғри унсурлар билан боғлайди. Шундай қилиб, Ибн Синонинг фикрича, мизож унсурлардан келиб чиққан хусусиятидир.

Ибн Синонинг таъкидлашича, қарама-қарши хусусиятлар мувозанатда бўлса, мизож мўътадил

холатни эгаллайди. Бунда кишининг саломатлиги сақланади. Агар хусусиятлардан бири ёки ундан кўпроги устун келиб қолса, мувозанат бузилиб, мизож мўътадилликдан чиқади. Бунда касаллик пайдо бўлади. Демак, инсоннинг соғлиги учун энг яхши ҳолат мизожнинг мўътадил бўлишидир. Ибн Синонинг кўрсатишича, ҳар бир тирик мавжудотнинг ўз турига хос мизожи бўлади. Энг мўътадил мизожга эга бўлган мавжудот одамдир. Аммо, ҳар бир одамнинг ҳам ўзига хос (индивидуал) мизожи бўлади. Бундан ташқари, ҳар хил минтақада яшовчи одамларнинг мизожлари ҳам турличадир.

Мўътадил мизожли одамнинг ҳамма ҳаракатлари мутаносиб ва такомиллашган бўлади. Мўътадил мизожли кишиларнинг тана аъзоларининг мизожи бир-бирига мувофиқ келса, бундай инсон мўътадил мизожли бўлади. Пайпаслаб кўрилганда ёки тегиб сезилганда танаси иссиқлик совуқлик, ҳўллик, куруқлик ва юмшоқлик жиҳатларидан мўътадил бўлади, терисининг ранги эса оқ ва қизилликда ёки бугдой ранглиликка мўътадилликда бўлади. Танасининг тузилишида эса тўлалик ва ориқликда мўътадил бўлса-да, тўлалikka мойил бўлади. Мўътадил мизожли кишиларнинг томирлари ўртача чуқурликда жойлашиб гўшtlарнинг устидан "миниb" олгандек туюлади, сочлари эса қалинлик, сийраклик, жингалақлик ва ёзиқликда мўътадил бўлади, болалик ёшида сочи малларанг, ўсмирлик вақтида эса қорамтир бўлади. Улар завқли бўлишиб, яхши тушлар кўрадилар. Ўзи очик юзли, ёқимтой ва одамшаванда бўлади. Овқат ва ичимликларга иштаҳаси яхшидир. Ичак, жигар ва томирлари овқатни яхши ҳазм қилади. Бундай кишининг танаси касалликларга нисбатан чидамлидир.

Ибн Сино мўътадиллик ҳолатига шундай таъриф берган: "Мўътадиллик-мизож эгасининг бутун гавдасида ёки бир аъзосида унсурлар миқдори ва кайфиятлари (хусусиятлари) билан одамнинг мизожида керагича энг тўғри тақсимланиб, энг тўғри нисбатда тўла-тўқис бўлганлигидан иборатдир". Демак, Ибн Синонинг фикрича мўътадиллик, яъни мўътадил мизож инсон гавдасида ва унинг айрим қисмларида унсурларнинг зарур даражада тўғри (баробар) тақсимланган ҳолатидир. Бу ерда Ибн Сино мизож тушунчасига унсурларни асос қилиб олган. Демак, Ибн Синонинг фикрича мизож унсурларга боғлиқ.

«МИЗАДЖ» ПОДАГРЫ С ТОЧКИ ЗРЕНИЯ ИБН СИНО

Неъматова Н.А., Набиева Д.А., Ризамухамедова М.З., Джураева Э.Р., Сагатова Н.А.
Ташкентская медицинская академия

В своей системе медицинских взглядов Ибн Сино основываясь на теории «мизаджа», утверждает о необходимости сугубо индивидуального подхода к каждому человеку, здоровому или больному с учетом неповторимого сочетания свойств, присущих этому индивидууму, и конкретном условии его существования и деятельности. Понятие «мизадж» в учениях Ибн Сино применимо ко всем предметам реального мира, сокам организма, отдельным органам и организму в целом, а также для характеристики времени года, климата, болезней, пиппи, лекарств и др.

Нашей целью явилось изучение этиопатогенетических, диагностических и лечебных аспектов подагры с точки зрения теории «мизаджа».

Под нашим наблюдением находились 56 больных подагрой. Все больные мужского пола в возрасте от 34 до 64 лет с длительностью болезни от 5 до 12 лет. Диагноз подагры верифицировался в соответствии с критериями американской ассоциации ревматологов. Течение артрита: у 5 (8,9%) больных артрит острый, у 29 (51,78%) больных интермиттирующим, у 22 (39,3%) – хронический артрит. Тофусы различной величины и локализации обнаружены у 20 (35,7%) больных. Поражение сердечно-сосудистой системы диагностировано у 35 (62,5%): ишемическая болезнь сердца у 15 (42,8%) больных, артериальная гипертензия у 20 (57,1%) больных. Ожирением III-IV степени страдали 18 (32,1%) больных. Мочекаменная болезнь выявлена у 24 (42,8%) больных. Кроме того, у всех обследованных измерялась температура тела, определялись общеклинические анализы крови и мочи, острофазные пробы, холестерин, коагулограмма крови и концентрация мочевой кислоты в сыворотке крови.

Состояние «мизадж» определяли по методике Авиценны. «Мизадж» больного по Ибн Сине идентифицируется на основании 10 параметров организма человека - цвет волос, телосложение, толщина жирового слоя, развитие мышечного корсета, психические аспекты субъекта и др.

Результаты исследования показали, что в этиопатогенезе подагры играют роль режим и диета, способствующие возникновению горяче-влажного «мизаджа». Определения «мизаджа» у больных с подагрой показали, что у них наследственно обусловленные состояния «мизадж» (конституция этих больных горяче-влажным «мизаджем»). Анализ лечебно-профилактического направления показывает, что больные с подагрой должны соблюдать режим способствующий охлаждению больного.

Таким образом, необходимо отметить, что в этиопатогенезе и лечебно-профилактическом режиме больных подагрой играет роль состояние «мизаджа».

АБУ АЛИ ИБН СИНО АСАРЛАРИДА БЕМОРЛАРНИ ДАВОЛАШДА МИЗОЖ ВА ПУЛЬСНИНГ АҲАМИЯТИ

Разикова И.С., Ўталов Қ.Қ., Ёрматова Ш.Ш.
Тошкент тиббиёт академияси

Шарқ табobati, айниқса Абу Али ибн Сино асарларида мизожнинг беморларни даволашдаги ўрнига катта эътибор берилган. Мизож даволашнинг назарий асоси ҳисобланади. Шунинг учун қадимдан табиблар ҳар бир касалнинг, озиқ моддалар ва дори воситаларининг мизожини билишган ва аниқлашган.

Озиқ-овқат маҳсулотлари ва таомлар мизожини рационал ва даво овқатланишда қўллаш учун инсонлар мизожини билиш керак. Ибн Сино таълимоти бўйича, мизож бу қарама-қарши сифатларнинг, яъни 4 та бирламчи кучларнинг - иссиқлик, совуқлик, намлик ва куруқликларнинг ўзаро муносабатлари туфайли келиб чиқадиган сифатий ўзгаришлардир. Инсон организми тўрт элемент - ҳаво, сув, ер, оловдан иборат бўлиб, у билан боғлиқ тўртта бирламчи хусусиятлар - намлик, куруқлик, совуқлик ва иссиқлик ва яна тўртта суюқлик: қон, ўт, қора ўт ва шилликдан ташкил топган.

Ибн Синонинг аниқлашича, мизож бу элементларнинг ва суюқликларнинг тўғри сифатий нисбатидаги силжишларда пайдо бўлади. Унинг фикрича, мувозанатлашмаган мизожлар оддий ва мураккаб турларга бўлинади. Оддий мизожда бир қарама-қарши сифатнинг нисбати ўзгаради ва мизожнинг икки тури: нормага нисбатан иссиқроқ мизож, ёки нормага нисбатан совуқроқ мизож, нормага нисбатан куруқроқ ёки нормага нисбатан намроқ мизож фарқланади. Мураккаб мизожда эса бир вақтда икки қарама-қарши сифатларнинг нисбати бузилади. Озиқ-овқат маҳсулотлари ва дори воситаларининг мизожи уларнинг организмга таъсири орқали аниқланади.

Шунинг учун бу маҳсулотларнинг мизожи ҳам иссиқ, мувозанатлашган, совуқ, куруқ ва нам бўлади. Инсонларда уч асосий мизож фарқлангани учун ҳам озиқ моддалар, ҳам иссиқ, мувозанатлашган ва совуқ мизожларга бўлинади. Масалан, Ибн Сино мувозанатлашган озиқ моддалар мизожига бугдой, нонни, бодом, ёнғоқ, ёғи, олма, анор шарбатларини киритган, иссиқ мизожга эса асал, аччиқ бодом, пияз, ёнғоқ, узум, зира, мўмий, нўҳат ва саримсоқ пиязни ва ниҳоят совуқ мизожга дўлана, олхўри, олма, шафтоли, ўрик, қовун, узум каби озиқ-овқат маҳсулотларни бўлиб чиққан. Агар инсон ўз мизожига мос келмаган овқат истеъмол қилса унинг аҳволи ўзгаради, деган буюк аллома. Ибн Сино асарларида айтиб ўтилган мизожга қараб овқатланиш ҳақидаги фикрлар ҳозирда даво овқатланиш ва рационал овқатланишда муҳим ўрин тутadi.

Ибн Сино касалликларни ташхислашда пульснинг аҳамияти тўғрисида кўпгина маълумотлар бериб ўтган. Пульс тўлқинсимон, икки зарбли, давомий, титровчи, қиска, кичик, секин, ҷумоли ўрмалагандек, юмшоқ, таранглашган, паст, аррасимон, тўлик, бўш характерда бўлишини таъкидлаган.

Ибн Сино касаллик натижасида пульс ўзгаришларини ҳар бир касалликларда алоҳида белгилаб борган ва бу пульсни аффе́ктив пульс деб юритган. Бу эса психодиагностикада органик ўзгаришлар натижасида келиб чиқадиган аффе́ктив ҳолатларга боғлиқлигини айтиб ўтган. Бунга мисол қилиб ривоятларда айtilган руҳий тушқунлик сабабли сўз орқали айtilганда ушбу ҳолатга жавобан пульснинг тарангалашиши ва тезлашиши кузатилганлигини келтириш мумкин. Бу омилни йўқотиш орқали инсон саломатлиги тикланиши қафолат бўлиб ҳисобланади. Шунингдек, пульс соғлом одамда терининг ранги, мизожига қараб ўзгариши таъкидлаб ўтилган.

Ибн Сино инсон пульси мусиқа тембри ва ритмига мослигига қуйидагича изоҳ бериб ўтган: «Сен шуни яхши билишинг керакки, пульсда табиий нозик мусикий оҳанг мужассам. Мусиқа санъатидаги товушлар қўшилмаси, касалликнинг ўткир даври ва оғирлик даражаси мутаносиблигини акс этади ва бу ритмлар орасидаги вақтни белгилайди». Зарблар бу тор симлари жаранги, шунингдек пульсни англайди.

Ибн Сино фикрича, касалликларда пульс частотаси ўзгаришининг учдан бир қисмини аниқлаш мумкин. Пульснинг меъёрида аниқланиши бу артерияларнинг кенгайиш вақтига мос келади, бу эса ҳаракат ва тинч ҳолатдаги вақтга нисбатан ўзгаради. Пульс тезлиги, частотаси, ритмikliги, урилиш кучи ўзгариши касалликларни ташхислашда муҳим аҳамиятга эга. Ибн Сино пульс диагностикаси тамойилларини ёритиб берди: пульс катталиги мусикий оҳангларга мос равишда ўзгаради. Шунингдек, пульс тўлиқ ёки нотўлиқ бўлиши мумкин. Нотўлиқ пульсларни 3 турга ажратган: пульс катталигининг ўзгарувчан бўлиши, ўтиб кетувчи характердалиги ва ёшга боғлиқлиги билан фарқланади. Бу асосан ёшларда кўп кузатилади. Иккинчиси – ёшга боғлиқ бўлмаган пульс, мисол учун болаларда, қарияларда аниқланадиган пульснинг аниқланиши. Учинчиси - пульс катталигининг меъёрдан чиқиши, ҳеч қайси ёшга тўғри келмайдиган пульс, бу ҳолат организмда яққол патологик ҳолатлардан дарак беради.

Демак, Ибн Сино пульсни психосоматик касалликларни аниқлашда катта аҳамиятга эга эканлигини ўзининг асарларида ёритиб ўтган ва ҳозиргача ўз аҳамиятини йўқотмаган.

ИБН СИНОНИНГ МИЗОЖ ТАЪЛИМОТИ АСОСИДА КАСАЛЛИКЛАР, УЛАРНИНГ САБАБЛАРИ ВА РИВОЖЛАНИШ БОСҚИЧЛАРИ

Саидова М.М., Кенжаев А.
Бухоро Давлат тиббиёт институти

Шайх «Тиб қонунлари»нинг куллийт қисмида касалликларни шаклланиш жараёнига қараб иккига: содда ва мураккаб касалликларга, содда касалликларни уч турга 1. Мизож бузилиши - моддали ва моддасиз, 2. Узлуксизликнинг бузилиши, 3. Таркиб касалликларига ва мураккаб касалликларга эса учук, сарамас, ўсмалярни киритиб таснифлайди. Бундай таснифлаш жуда ҳам яхши илмий асосланган бўлиб, ўз навбатида даволаш ҳам ана шу таснифга асосан олиб борилади. Биз мизож таълимотига асосан беморларни даволашда шу принципларни қўллаб жуда яхши ижобий натижаларга эришяпмиз.

Касаллик сабабларини табиб икки, яъни 7 та ташқи: об-ҳаво замон ва макон; ғизо ва ичимлик сувлари; жисмоний ҳаракат ва ҳаракатсизлик; уйқу ва уйғоклик; танани тозалаш ва тозаламаслик; нафсоний ҳаракат ва ҳаракатсизлик, ваболи ҳавога ва иккита ички: инсон танасига боғлиқ: ирсий темпераментга ва Аъзога тааллуқли: айна аъзо билан боғлиқ ва аъзо билан ҳамкор аъзоларнинг мутаносиблик сабаблари билан изоҳлайди.

Шайхнинг мизож таълимотига асосланиб биз касалликларнинг умумий патогенезини қуйидагича талқин қилдик. Касалликлар патогенези 6 босқичда кечади деймиз. 1. Жамланиш ва тўпланиш босқичи, бу босқичда овқат ҳазм қилиш, ажратиш ва чиқариш аъзоларида тўлиқ ҳазм топган ва топмаган ғизо қолдиқлари ғайри табиий моддалар аста-секин йиғилиб тўпланади. 2. Кузғалиш босқичи ташқи ёки ички таасурот сабабли 1 босқичда йиғилиб тўпланган моддалар кўзғалади ва қон томирларига ўтади. 3. Тарқалиш босқичи, аъзолардан кўзғалган ғайри табиий моддалар қон томирларга ўтиб, бутун танага тарқалади. 4. Ғайри табиий моддаларнинг аъзоларга ўрнашиш босқичи, бунда қон билан тана бўйлаб тарқалган ғайри табиий моддалар ўзига хос мизожли аъзога ёки бўлмаса бўғим сингари сийрак бўш аъзоларга ўрнашади, раис аъзоларга эмас. 5. Касалликнинг жузий белгисини намоён қилиш босқичи бунда аъзода ўрнашган ғайри табиий модда аъзода сасиш ёки чириш жараёни содир этиб ўзига хос белгиларни намоён қилади. 6. Таркиб бузилиш босқичи. Бунда аъзода ўрнашган ғайри табиий модда сасиши ва чириши туфайли аъзо таркибининг ўзгаришига олиб келади.

Хулоса қилиб айтганда, касалликнинг биринчи ва иккинчи босқичларида туғри тадбир, яъни парҳез қўллаб касалликнинг олдини олиш мумкин. Аммо қолган 4 та босқичнинг шаклланиш даврида энди биз касалликнинг турига қараб даволаш чора-тадбирларини қўллаймиз.

ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИДА МИЗОЖЛАР, ЁШ ВА ЖИНС МИЗОЖЛАРИ ҲАҚИДА

Салихова И.С., Абдуллаева Н.Х.
Тошкент тиббиёт академияси

Ибн Сино айтганки, унсурларнинг ниҳоят даражада майда бўлақларидаги қарама-қарши кайфиятларининг бир-бирига таъсири маълум бир чегарага етганда пайдо бўлган кайфиятга мизож дейилади. Унсурларнинг энг кичик бўлақлари билан аралашishi учун лозимдир. Бу унсурлар ўз қувватлари билан бир-бирларига таъсир қилишлари натижасида уларнинг ҳаммасига мос бир кайфият вужудга келади. Ана шу кайфият мизождир. Юқоридаги унсурлардаги дастлабки қувватлар тўртта: иссиқлик, совуқлик, ҳўллик, қуруқлик. Маълумки, бузилиб ва мавжуд бўлиб турган жисмлардаги мизожлар дастлабки қувватлардан вужудга келади. Мизожнинг ҳақиқий мўътадил бўлиши бу мизож эгасидаги қарама-қарши кайфиятлар миқдорининг тенг бўлишидир. Айнан шу миқдорларнинг оралигидаги ўрта кайфият ҳақиқий мўътадил мизождир. Қарама-қарши кайфиятлар орасидаги мизож мутлақо ўртада бўлмай, икки томоннинг бирига яъни совуқлик ва иссиқликнинг бирига ёки ҳўллик ва қуруқликнинг бирига ёки ҳар иккисига мойилроқ бўлишидир. Мўътадиллик – мизож эгасининг бутун гавдасида ёки бир аъзосида унсурлар миқдори ва кайфиятлари билан одамнинг мизожига керагича энг туғри тақсимланиб, энг туғри нисбатда тўла-тўқис бўлинганлигидан иборатдир. Ҳақиқий мўътадилликка энг яқин аъзо гўшт, гўштан ҳам яқинроғи теридир, бошқарувчи аъзолар эса ҳақиқий мўътадилликка унчалик яқин эмас. Қўлдаги қафт терисининг ўрта қисми гавда терисининг энг мўътадил қисми бўлиб, ундан ҳам мўътадилроқ ҳисобланувчи аъзо кўрсаткич бармоқ учи терисидир. Гавдадаги энг иссиқ нарсарух ва рухнинг пайдо бўлиш жойи – юрак, қон ҳисобланади. Гавда тузилиши мизож турига таъсир кўрсатмайди. Бир организм мизож бўйича иссиқ бўлса, худди шу тузилишга эга инсон мизож совуқ бўлади. Шунинг учун муолажа қилувчиларга бир дори мизожни ўзгартиришда фойда бермаганида доим биргина ўша дорини қўлламаслик буюрилади. Ибн Сино мизожларни қуйидагича таърифлаган: болалар, ёшларнинг баъданлари мўътадил даражада иссиқ ва мўътадилдан ҳўлроқлигини, ўрта ёшли ва ва

қарияларнинг баъданлари жуда совуқ бўлиши билан бирга жуда қуруқдир, деб айтади. Касалликларнинг ташхиси ва даволашда мизож кўрсаткичларидан фойдаланиб келинган ва кейинги тадқиқотларда бундай кўрсаткичлар асос бўлади. Беморлар ва касалликларни таҳлил қилишда Ибн Сино кўрсатиб ўтилганидек, мизожлар, уларнинг характеристикаси, мизожларнинг ёшга, жинсга, ташқи табиатга бўлган мойиллиги касалликларнинг келиб чиқишида катта аҳамиятга эга. Замонавий тиббиётни ривожлантириш мақсадида шу каби йўналишларни ўрганиш муҳим аҳамият касб этади.

АБУ АЛИ ИБН СИНО МИЗОЖ ҲАҚИДА

Усмонхўжаев А., Тўрахонова М.
ЎзРССВ “Хамшира” журнали муҳарририяти

Инсонларнинг саломатлиги, соғлиги, ҳатто феъл-атвори, характери ҳўлки ўз атрофидигиларга муносабати кўп жиҳатдан табиий тузилиш - мизожга ва руҳий ҳолатига боғлиқ (авом халқ мизож сўзини айтишга кийнаиб, мизож деб, осонлаштириб олган).

Абу Али ибн Сино мизожлар масаласида унсурлар назариясига асосланган. Унсурлар назариясига биноан бутун борлиқнинг асосини тўрт самовий унсур (элемент) - ер, сув, ҳаво ва олов ташкил этади. Ҳар бир унсур ўз хусусиятига эга. Чунончи, ер қуруқ, сув ҳўл, ҳаво совуқ, олов иссиқ. Маълумки, Шарқ таъбаотида мизож масаласига катта аҳамият берилган. Шунинг учун ҳам мизож тушунчаси муҳим категориялардан бири ҳисобланган.

Табиблар олдин беморнинг мизожини ҳамда руҳий ҳолатини аниқлаб сўнгра уни даволаш чораларини белгиланганлар. Ибн Сино таълимоти бўйича икки даражадаги тўрт хил мизож мавжуд: иссиқ, совуқ, ҳўл, қуруқ асосдан иборат яқка мизож ва қуруқ-иссиқ, ҳўл-иссиқ, ҳўл-совуқ, қуруқ-совуқдан иборат мураккаб мизож.

Ҳаким Ибн Сино “Тиб қонунлари” асарида айтишича, мизожни билишдан аввал тирик мавжудотларнинг таркибида мавжуд бўлган тўрт асосий унсур - ер, сув, олов, ҳаво нима ва қандайлигини билиш зарур.

Мизож нима? - деган саволга ҳаким Ҳусайн Абу Али ибн Сино бундай деб жавоб беради: “Унсурларнинг ниҳоят даражада майда бўлақларидаги қарама-қарши кайфиятлар(ҳолатлар)нинг бир-бирига таъсири маълум чегарага етганида пайдо бўлган кайфиятга мизож дейилади”.

Кўриниб турибдики, аллома мизожга моддий нуқтан назардан фақат сувоқлик нисбатига эмас, кайфият дея психологик нуқтан назардан ёндошган. Бу эса замонавий тиббиёт ва психологиянинг бутунги қарашларига мувофиқ келади.

Яна бир (тиббий) таснифга кўра, асосий мизожлар икки хил:

1. Барча унсурларнинг дастлабки қувватлари бир-бирига мувофиқ келган - мўътадил (нормал, меъёрли) мизож.

Ушбу мисраларнинг маъносида кўрииб турибдики, Ибн Сино ўз даврида ҳам инсонлар истеъмол қиладиган ичимлик сувининг сифатига қўйиладиган талабларни келтириб ўтган, яъни истеъмол қилинаётган ичимлик сувининг ҳарорати меъридан юқори бўлса ($+25^{\circ}\text{C}$) инсон организмида қўнғил айнаши ва қусиш рефлекслари кучайтиб кетади ёки сувнинг ҳарорати паст бўлса нерв толаларининг шамоллашига олиб келиши сабаб бўлишини келтириб ўтган. Ибн Сино таълимотидан келиб чиқиб, ҳозирда Республикамизда аҳолини сифатли сувга бўлган эҳтиёжини қондириш мақсадида ичимлик суви сифатига қўйиладиган гигиеник талаблар “Ичимлик суви” Давлат стандарти амалиётга тадбиқ қилинган. Мазкур Давлат стандарти ичимлик суви мақсадлари учун аҳолига юборилаётган сувнинг таркибига инсон саломатлиги учун аҳамиятли бўлган, гигиеник нуқтан назаридан асосланган органолептик кўрсаткичлар, бактериологик кўрсаткичлар, кимёвий таркиби ва бошқа кўрсаткичлар бўйича гигиеник талаб қўяди.

АВИЦЕНА – ОПЫТ ЧЕРЕЗ ВЕКА ФИТОТЕРАПИЯ ОНКОГЕМАТОЛОГИЧЕСКИХ ЗАБОЛЕВАНИЙ

Каримов Х.Я., Резванов А.С.
Научно-исследовательский институт гематологии и переливания крови МЗ РУз

Лейкемии в год уносят не мало человеческих жизней, а используемые цитостатические препараты слишком дороги и обладают целым комплексом побочных эффектов. Поэтому фитотерапия может стать альтернативным методом терапии лейкозов. Как известно, фитотерапия – один из древнейших способов врачевания, но это ни сколько не умаляет её значимости в современной медицине. Нашедшая своё отражение в трудах такого известнейшего целителя древности, как Али Абу ибн Сино, она должна прочно войти в каноны медицины XXI века. В Узбекистане насчитывается около 600 видов лекарственных растений, жизненно необходимо изыскать возможности изучения наиболее перспективных из них, действующие вещества которых обладают противораковым свойством вообще и противолейкемическим в частности. И в этом заключается основная проблема развития онкофитотерапии в Узбекистане – поиск перспективного в этом отношении лекарственного растения или их группы. В решении этой проблемы может помочь многовековой опыт народной медицины – онкологические заболевания были известны издревле, и как показывают иссле-

125

АНЖАБОР ЎСИМЛИГИ ИБН СИНО ДАВРИДАН ТО ҲОЗИРГИ ДАВРГАЧА

Махмуджанова К.С., Пазилбекова З.Т., Нозимхожиева Н., Ғуломов А.
Тошкент фармацевтика институти

Маълумки, Ибн Сино фойдаланган доривор ўсимликларнинг кўпи ҳозирги кунга келиб тиббиётда ўз ўрнини йўқотган. Аммо, айрим ўсимликлар минг йиллар мобайнида ҳам ўз қимматини йўқотмай келмоқда. Мана шундай ўсимликлардан бири бу Ўзбекистонда ўсадиган Анжабор (*Geranium collinum* Steph., русча герань холмовая) ўсимлиги бўлиб, унинг фармакогностик таҳлилини Тошкент фармацевтика институти аспиранти Мамедова А.Г. ўтказган ва унга тегишли хужжатларни тиббиёт амалиётида фойдаланишга рухсат олиш учун топширган.

Ҳозирги кунда маҳаллий доривор ўсимликларнинг даволовчи хоссаларини ўрганиш ва улар асосида нафақат дори, балки косметика воситаларини ишлаб чиқариш ҳам муҳим вазифалардан бири бўлиб ҳисобланади. Косметик воситаларни доривор ўсимликлар асосида тайёрлаш бугунги куннинг асосий талабларидан бўлиб, бундай воситалар тери орқали яхши сўрилиши, нонуш таъсирларининг бўлмаслиги ҳамда юқори самарадорлиги билан ажралиб туради.

Ибн Сино ўз даврида анжабор ўсимлигидан гинекологик касалликларни даволашда фойдаланган бўлиб, ушбу даволовчи хоссаи ўсимликнинг кимёвий таркиби ўрганилгандан сўнггина ўз илмий исботини топди. Анжабор ўсимлигида ошловчи моддалар (илдизпоялари ва илдизларида 23% гача, ер устки қисмида эса 17% гача), углеводлар (2,96% моносахаридлар, 0,64% сувда эрийдиган полисахаридлар, 4,95% пектинлар, 4,48% гемицеллюлозалар), 0,42% аминокислоталар, 0,28% витамин С, 1,46% органик кислоталар, 0,05% флаванонидлар сақланади.

Анжабор ўсимлиги илдиздизпоялари ва илдизлари таркибидаги ошловчи моддаларнинг миқдори юқори даражада сақланганлиги учун ундан косметик воситаларни тайёрлашда фойдаланиш мумкин. Бунинг учун анжабор ўсимлигидан сувли ва спиртли ажратмалар олинди. Олинган 2 хил ажратма асосида крем таркиби танлаб олинди. Сувли ажратмани гидрофоб асосга, спиртли ажратмани эса гидрофил асосга киритиб, косметик крем тайёрланди. Гидрофоб асосда тайёрланган кремни юз терисини таранглаштирувчи ва ёшартирувчи (ажратма таркибидаги ошловчи моддалар ҳисобига), гидрофил асосда тайёрланганини эса юз терисидagi хуснбузарларни даволовчи (ажратманинг яллиғланишга қарши хоссосига биноан) восита сифатида тавсия этилди. Тайёрланган 2 хил таркибли косметик кремларнинг сақлаш муддатини белгилаш учун уларни хона шароитида сақлаб, ҳар 30 кунда куйидаги сифат кўрсаткичлари аниқланди: ташқи кўриниши, ранги, ҳиди, суртилиши, коллоид ва хароратга турғунлиги. Сақлаш мобайнида тайёрланган косметик кремларнинг сифати ўзгармаганлиги аниқланди.

ИБН СИНО ВА ЗАМОНАВИЙ КОСМЕЦЕВТИКА

Махмуджонова К.С., Ризаева Н. М., Қўчқорова К., Нозимхожиева Н.З.
Тошкент фармацевтика институти

Пардоз бериш санъати ҳақидаги фан - косметология эрамиздан олдинги даврда қадимги Юнонистон, Миср ва Шарқда ривожланган бўлиб, Ибн Сино ўзи яшаган даврда ҳам бунга бунга алоҳида аҳамият берганлиги “Тиб қонунлари” асарида ўз аксини топган. Унинг асаридаги 4 та мақола ва 94 та бандда инсоннинг ташқи кўринишидаги нуқсонларни табиий воситалар билан даволаш масалалари келтирилган. Масалан, у соч, қазоқ, тирноқ, тери ранги, сўғал, ҳол, тери ёрилиши каби муаммоларни даволаш, керакли матҳамлар тайёрлаш каби маълумотларни келтирган, булар ҳозирги кунда ҳам ўз долзарблигини йўқотмаган.

Замонавий косметология йўналишларидан бири бу ташқи нуқсонларни нафақат табиий воситалар билан парваришлаш, балки жарроҳлик, оғиз орқали дорилар ичиш ҳамда косметик аппаратлар ёрдамида даволашни ўз ичига олади. Оғиз орқали бериладиган воситаларни қабул қилишда, албатта шифокор билан маслаҳатлашиш тавсия этилади. Косметик аппаратлар ёрдамида (ультратовуш, мезодаволаш, хромодаволаш) юз, бўйин, қўл териларини парваришлашда табиий хом ашёлардан тайёрлаган ниқоблардан фойдаланиш ижобий натижалар бермоқда. Масалан, дуккакли, бошқоқли ва илдизмева маҳсулотлардан махсус технология асосида ажратиб олинган биофаол моддалардан ниқоб, крем, гель тайёрлаш ва улардан узлуксиз равишда фойдаланиш юз терисининг таранглашувига, озиқланишига, намланишига ва ажинларнинг камайиб, ёшаришига олиб келмоқда. Ушбу биофаол моддалар ўз таркибида сувда ва мойда эрувчан витаминлар гуруҳини, оксил, ёғ, алмашинувчи ва алмашмайдиган аминокислоталар мажмуасини, ферментларни сақлаш билан қимматли бўлиб, юз терисига кўрсатган ижобий таъсири айнан шу моддаларнинг таъсири билан тушунтирилади.

Ҳозирги кунда косметик кабинетларда юз терисини парваришлашда фойдаланилаётган воситаларнинг аксарият қисми хориждан катта валюта ҳисобига келтирилаётганлигини ва уларга мувофиқлик сертификати мавжуд эмаслигини инобатга олсак, юқорида келтирилган илмий изланишларнинг нақадар муҳим ва долзарблигини намоён бўлади.

НОВЫЕ ПОДХОДЫ К СТАНДАРТИЗАЦИИ ЧИСТОТЕЛА БОЛЬШОГО

Назаров Э.А., Турсунова М.Х., Хамдамов М.М.
Научный Центр стандартизации лекарственных средств

В пятой книге «Канона врачебной науки» Ибн Сино изложены способы изготовления «сложных лекарств», в состав которых включена трава чистотела большого. Обладающая разносторонней фармакологической активностью трава чистотела применяется как ранозаживляющее, противомикробное, противовоспалительное и др. Создание субстанции чистотела в форме сухого экстракта, позволит разработать большой набор современных лекарственных средств, применяемых в различных сферах медицины.

Целью настоящих исследований явилась разработка метода качественного анализа травы чистотела большого. Аналитическую пробу сырья измельчали до размера частиц, проходящих сквозь сито с отверстиями диаметром 1 мм. Около 1 г измельченного сырья (точная навеска) помещали в колбу со шлифом вместимостью 50 мл, прибавляли 30 мл 70 % этилового спирта. Колбу закрывали пробкой и взвешивали на тарирных весах с точностью до $\pm 0,01$. Колбу присоединяли к обратному холодильнику и нагревали на кипящей водяной бане (умеренное кипение) в течение 45 мин. Затем колбу закрывали той же пробкой, снова взвешивали и восполняли недостающий экстрагент до первоначальной массы. Извлечение фильтровали через фильтр (красная полоса) и охлаждали в течение 30 мин (извлечение из травы). На стартовую линию пластинки Silicagel UV 254 (Merk) наносили микропипеткой 0,02 мл извлечения и 0,02 мл раствора РСО коптизина. Пластику с нанесенными пробами высушивали на воздухе в течение 5 мин, затем помещали в камеру со смесью растворителей хлороформ — метиловый спирт — вода (26:14:3) и хроматографировали восходящим способом. При прохождении фронта растворителей около 15 см, пластинку вынимали из камеры и сушили на воздухе в течение 5 мин. Пластику просматривали в УФ-свете при длине волны 254 и 366 нм до и после обработки хроматограмм реактивом Драгендорфа. На хроматограмме на уровне пятна РСО коптизина обнаруживалось доминирующее пятно с величиной R_f около 0,37, имеющее желтую окраску в видимом свете и ярко-желтую флуоресценцию при просмотре хроматограммы в УФ-свете при длине волны 366 нм, а также кирпично-красную окраску при проявлении реактивом Драгендорфа (коптизин).

Таким образом, выделено индивидуальное соединение, которое на основании данных УФ-спектров идентифицировано как коптизин.

ҚУЁШ НУРЛАРИНИНГ ШИФОБАХШ ХУСУСИЯТЛАРИ ТЎҒРИСИДА ИБН СИНОНИНГ ҚАРАШЛАРИ ВА УНГА ЗАМОНАВИЙ ЁНДОШУВ

Орзиев З.М., Хазратов У.Х., Аслонова И.Ж.
Бухоро Давлат тиббиёт институти

Ҳамюртимиз табобат илмининг султони Ибн Сино қуёш нурларининг шифобахш хусусиятларидан бронх-ўпка тизимини даволашда азалдан фойдаланиб келган. У ўзининг «Тиб қонунлари» асарида шундай дейди: «Агар киши қуёшли майдонда ҳаракат қилса хилтларни эритади, буғланишни пайдо қилади, қорин дам бўлишини, шишларни йўқотади, терлатади, тикка нафас олишга фойда қилади, узок чўзиладиган совуқ бош оғригини тузатади, совуқ мизожли миёни бақувват қилади».

Бой меросимизни, ўрганиб чиқиб, сурункали бронхит билан оғриган беморларга таркибида инфракизил ва кўринувчи нурлар дастасидан иборат бўлган НДК — П 001/91 қурилмасида ҳосил қилинадиган 760-1500 нм тўлқин узунлигини ташкил қилувчи кучайтирилган импульсли ёруғлик нурларининг (КИЁН) таъсирини ўрганишни мақсад қилиб олдик.

БВКК сининг таъсири пульмонология бўлимида I — асосий гуруҳда сурункали бронхит билан оғриган 30 та беморда, II — назорат гуруҳида 12 та беморда текширув ўтказилди. Беморлар ёши, жинси, касалликнинг оғирлиги даражаси бўйича репрезентатив гуруҳларга ажратилди, ташхис рентгенологик, эндоскопик ва клиник лаборатор усуллар ёрдамида тасдиқланди.

Иккала гуруҳдаги беморлар анъанавий усулда сурункали бронхит учун базис воситаларни қабул қилдилар. Асосий гуруҳдаги беморларга эса қўшимча дозаланган КИЁН схема бўйича ўпканинг илдиз соҳасига берилди.

Даволашнинг 3-4 кунидан бошлаб асосий гуруҳдаги беморларда назорат гуруҳидаги беморларга нисбатан йўтал, балғам ажралиши, интоксикация белгиларида сезиларли регрессия кузатилди. Ички касаллик белгилари, шунингдек, пикфлоуметрия кўрсаткичларида дастлаб ҳамма беморларда нормага нисбатан сезиларли камайганлиги аниқланди, даволаш натижасида асосий гуруҳдаги беморларда дастлабкисига нисбатан бу кўрсаткич 20% га ортган бўлса, назорат гуруҳида 8 % га ортди.

Спирография кўрсаткичлари дастлаб аксарият беморларда нормага нисбатан сезиларли пасайганлиги аниқланди, даволашдан сўнг бу кўрсаткичларда I-гуруҳдаги беморларда FVC, FEV 1.0, PEF, FEF 50, FEF 75% дастлабкисига нисбатан ишонарли ортиб нормага яқинлашди. II— гуруҳдаги беморларда бу кўрсаткичлардаги силжиш кузатилган бўлсада, бироқ нормага яқинлашиш кузатилмади.

Булар шундан далилат берадики, КИЕН таъсирида экссудат қайта сўрилиб, бронхлар деворидаги шишлар камаяди, бронхларнинг мушаклари кенгайди, яллиғланишга қарши таъсир юзага келади, энергетик мувозанат тикланади.

**КАМФОРАЛИ РАЙҶОН (*OSIMUM MENTHAEFOLIUM* HOCST)
ЎСИМЛИГИНИ ЕР УСТКИ ҚИСМИНИ СТАНДАРТЛАШ
МАСАЛАСИГА ДОИР**

Пўлатова Т.П., Ходжаева М.А., Пўлатова Д.Қ.
Тошкент фармацевтика институти

Ишнинг мақсади: райхон ўсимлиги азалдан халқ табobatiда ел ҳайдаш учун, опкозон-ичак касалликларида овқат ҳазм қилишни яхшилаш, она сутини кўпайтириш учун ишлатилади. Ибн Сино томонидан юрак неврозиди, бавосилда ва куч қувват берувчи восита сифатида қўлланилган. Камфорали райхон камфора олишнинг асосий манбаи ҳисобланади. Камфора ичга ва камфорали мой дори шаклида юрак фаолияти сусайганда, асфиксияда, наркотик ва ухлатувчи дори воситалари билан заҳарланганда инъекция қилинади. Камфора маҳаллий кўзгатувчи ва антисептик таъсир кўрсатади, шунинг учун миоцитда, неврит ва ревматизмда суртма сифатида ишлатилади.

Ушбу ўсимлик кам ўрганилганлиги туфайли ҳозирги кунда илмий тиббиётда кенг миқёсда ишлатилиш учун уни фитокимёвий таркибини ўрганиш ва маҳсулотта меъёрий хужжатларни ишлаб чиқиш талаб қилинади. Шу муносабат билан камфорали райхон ўсимлигининг маҳсулотини стандартлаш вазифасини ўз олдидизга мақсад қилиб қўйдик.

Усуллар: сокслет аппарати ёрдамида хлороформ билан экстракция қилинди. Ажратма таркибидаги камфорани хроматография усулида аниқланди. Гувоҳ эритма сифатида 1% камфора эритмаси ва эвгенолни 96% этил спиртдаги эритмаси. Система толуол-этилацетат (90:10). Пластинкани ванилиини сульфат кислотадаги эритмаси билан ишлов берилди. "Миллихром" суюқлик хроматографиясида камфоранинг микрода аниқланди.

Натижалар: маҳсулот намунасида 25 г ни филтр қоғоздан тайёрланган пакетга солиб, сокслет аппарати ёрдамида хлороформ билан экстракция қилинди. Ажратмада хлороформ ҳайдалиб, қолдиқ таркибидаги камфорани хроматография усулида аниқланди. Гувоҳ эритма сифатида 1% камфора эритмаси ва эвгенолни 96% этил спиртдаги эритмаси томишилди. Система толуол-этилацетат (90:10). Пластинкани ванилинни сульфат кислотдаги эритмаси билан ишлов берилди ва 100°C да 1-2 дақиқа қуритилди. Пластинкада рангли зоналар ҳосил бўлди ва маҳсулотда камфора борлиги исботланди. Камфоранинг микдорини аниқлаш “Миллихром” суюқлик хроматографиясида оlib борилди. Таҳлил натижасида ўсимликда камфора 0,06 % дан кам бўлмаслиги кераклиги аниқланди.

Хулосалар: юқорида келтирилган кимёвий таҳлил натижаларига кўра камфорали райҳон ўсимлиги ер устки қисмида камфора борлиги ва унинг миқдори аниқланди. Олинган таҳлил натижалари ўсимликни тиббиётга жорий қилиш мақсадида тузиладиган вақтинчалик фармакопоя мақоласи лойиҳасини тузишда фойдаланилади.

ЭФФЕКТИВНОСТЬ СТИМУСОЛА В ТЕРАПИИ ВТОРИЧНЫХ ИММУНОДЕФИЦИТНЫХ СОСТОЯНИЙ

Разикова И.С., Мавлянова Ш.З., Разикова Г.Р.
Ташкентская медицинская академия

На каждой странице «Канона» есть вещи, вызывающие восхищение и обсуждение – писал один из историков медицины.

Глубоко ознакомившись с трудами Абу Али ибн Сино «Канон врачебной науки», еще в 1993 году ряд ученых Ташкентского Фармацевтического Медицинского института (ТашФарМи) (Акад. Искандаров С. И., Х. У. Алиев) пришли к такому мнению, что Мумиё асиль – известный биостимулятор, который состоит из множества микроэлементов, флаваноидов, 17-кетостероидов, по рекомендации Авиценны применялся как общетонизирующий, противовоспалительный и даже как кровоостанавливающее средство при легочной патологии. Абу Али ибн Сино писал, что Мумиё асиль – можно применять как местное противовоспалительное средство для лечения кавсрнозного туберкулёза легких. Он писал, что, Мумиё асиль можно применять всем возрастным группам кроме, детей и пожилых. Также, было показано в трудах Авиценны что, сухой экстракт корня солодки голой (*Glicirizae glabrae*) обладает отхаркивающим, противовоспалительным и общеукрепляющим действиями. Учитывая рекомендации гения, мы совместно с учеными ТашФарМи разработали комбинированный препарат, который называл «Стимусол» ом.

В 1997 году было получено разрешение на клинические испытания ФК РУЗ этого нового биостимулято-

ра. Данный препарат, обладающий выраженным иммуностимулирующим эффектом широко применяется не только в лечении заболеваний дыхательного аппарата, но и при вторичных иммунодефицитных состояниях таких как, хроническая экзема, хронические обструктивные болезни легких, тяжелая бронхиальная астма, хронические аллергодерматиты грибковой этиологии.

«Стимусол» - таблетки по 0,1 г. применяется по 1 таблетке 3 р. в день по 20 дней с перерывом 10 дней. Курс лечения 3 курса по 20 дней. За эти годы проведены современные научные (клинические, аллергологические, иммунологические, лабораторно-инструментальные) исследования и защищены 2 докторские и несколько кандидатских диссертаций.

Все открытия, начинания Гениального ученого, как в теоретических, так и в практических начинаниях, не только у врачей старого поколения, но и у врачей молодого поколения до сих пор применяются с большим успехом.

**ИБН СИНО ТАЪЛИМОТИГА КЎРА СОВУҚ МИЖОЗЛИ СУРУНКАЛИ
ЭНТЕРИТ БИЛАН ХАСТАЛАНГАН БЕМОРЛАРДА САЧРАТҚИНИНГ
КЛИНИК САМАРАДОРЛИГИНИ ЎРГАНИШ**

Рузикулова Ш.С., Саттарова М.И., Байбекова В.Ф., Сахатов Б.К.
Тошкент Тиббиёт Академияси

Долзарблиги: Абу Али Ибн Сино таълимотига кўра, унинг асарларида сачратнинг самарадорлиги жигар хасталикларида, сурункали энтеритларда, ўт қопдаги димланишларда самара берганлиги, хаттоки кичик ёшдаги болаларда қўлланилганлиги ва ноҳўя таъсирлар юзга келмаганлиги айтиб ўтилган. Сувук мижозли инсонларда бу касалликлар кўп учраш эҳтимоллиги, бу аъзолар ўзига озиқа моддаларни ошқозондан меъридан кўп миқдорда тортиб олиши натижасида ҳазм тизими ишдан чиқиб, энтеритга олиб келади. Биз ушбу хасталиклардан сурункали энтеритда замонавий тарзда сачратқини самарасини ўрганиб чиқдик.

Мақсад: Ибн Сино таълимотига асосланиб совук ми-
беморларда сачраткининг клиник самарадорлигини ўрганиш.

Вазифалар:

1. Совук мижозли сурункали энтерит билан даволанаётган беморларда сарфатқави қўлланилиши.
2. Қўлланилаётган ўсимликнинг самарасини ва ноҳўя таъсирларини кузатиш.
3. Ўсимликни клиник қўлланилгандан сўнг, касалликнинг 7-8 кунларида беморнинг нажас таҳлилларини

ва шикоятларини ўрганиб чиқиш. — бўлимда совуқ миждоли сурункали энтерит билан

Натижалар: 2011 йилда гастроэнтерология бўлимида соғуқ миқдоридаги натижаларда куйидаги натижаларга эришилди:

Жами 20 ёшдан 45 ёшгача бўлган 43 та бемор “Сурункали энтерит” ташхиси билан ётқизилган ва 23 тасида сачратки даммаси касаллигининг 1 кунидан бошлаб қўлланилган. Қолган 19 тасида 2 кундан

Даволаш жараёнида 7-8 кунларидан бошлаб беморларда тахлиллари ўрганилиб чиқилди. Шулардан 17 тасида (39,6%) лаборатор кўрсаткичлар, 13 тасида (30,2%) клиник соғайиш кузатилган. Ўнгилган анкеталар бўйича 2011 йилда гастроэнтерологияда сурункали энтерит билан даволанганларнинг сачратки даamlamasини истемол қилган беморлар, истъомол қилмаганларга

Хулоса қилиб шунини таъкидлаш мумкинки, бизнинг кузатувимизда ҳам фитотерапия Ибн Сино таълимотидаги сингари деярли барча беморларда яхши самара берди. Фитотерапия ўтказилмаган беморларда ремиссия даврининг қисқалиги, фитотерапия ўтказилганларга нисбатан 2 баробар кўплиги аниқланди.

**ҚОВОҚ УРУҒИ МАЙДАЛАНҒАН МАҒЗИНИ (CUCURBITA PEPO L)
ИСТИҚБОЛЛИ ДОРИВОР ЎСИМЛИК ХОМ АШЁСИ СИФАТИДА
ЎРГАНИШ**

Султонова Г.М., Vizzini R., Ганиева Х.Г., Убайдуллаев Қ.А.
Тошкент фармацевтика институти, CAMAG Laboratory, Sonnenmattstrasse 11,
CH-4132 Muttenz, Switzerland

Ибн Сино ўзининг “Тиб қонунлари” асарида қовокни “қаръ” номи билан келтирган ва у тавсия этган қовоқ уруғи ёғидан фойдаланиш мақсадларини мукаммал ёритиб берган. Тозаланган қовоқ уруғини шакар ва сув билан аралаштириб “қовоқ сути” дори тури тайёрланган. Ибн Сино қовоқ уруғидан тайёрланган дори воситаларини асосан гижжаларни ҳайдаш учун ишлатган. Бундан ташқари буйрак, сийдик пуфағи, жинсий

йўллар, жигар ва ўт копи касалликларини даволашда қўллаган. Ўзбекистон ҳудудида ўсадиган ўсимликлар шифобахшлик хусусияти ва кимёвий таркиби жиҳатидан жуда бой ҳисобланади. Қовоқ уруғи мағзининг биологик фаол бирикмалари таркибининг фитокимёвий ўрганишни мақсад қилиб олдик.

Қовоқ уруғининг майдаланган мағзини фитокимёвий ўрганиш ва у асосида олинган дори шаклини стандартлашда замонавий таҳлил усулларида фойдаланилди. Қовоқ уруғидан органик эритувчилар ёрдамида 50% гача ёғ ажратиб олинди ва ёғнинг сифат кўрсаткичлари ўрганилди. Газ суёқлик хроматографияси усулида ёғ кислоталари таркиби ва миқдори: лаурин - 0,1%, миристин - 0,2%, пальмитин - 7,5%, стеарин - 3,9%, пальмитолинол - 0,2%, олеин - 24,5%, линол - 63,6% аниқланди. Боғланган аминокислоталар миқдори Т 339 анализаторида (Чехословакия): аспарагин-1,3%, серин-1,1%, глутамин-1,7%, пролин-0,6%, глицин-1,0%, аланин-0,9%, тирозин-0,4%, лейцин-1,3%, лизин-1,1%, метионин-1,2%, валин-0,6%, треонин-0,5%, изолейцин-0,4%, аргинин-1,1%, гистидин-0,5%, фенилаланин-0,4% аниқланди. Ҳаётий муҳим минерал элементлар таркиби ICP-MS AT 7500 ускунасида: темир (650,0 мг/кг), рух (92,00 мг/кг), селен (2,5 мг/кг), калий (8,800 мг/кг), молибден (6,400 мг/кг), хром (170,0 мг/кг) ўрганилди. Илк бор, Швейцариянинг SAMAG фирмаси лабораториясида Ўзбекистонда ўстирилган қовоқнинг уруғи, мойи ҳамда SAMAG лабораториясидаги қовоқнинг уруғи, мойи намуналари таркибидаги β-ситостерол ва ёғ кислоталари “бармоқ изи” усулида юқори самарали юшқа қатлам хроматографияси (ЮСЮҚХ) таҳлили қилинди. Ҳар иккала намуна пластинкаларга томизилиб, таркибидаги β-ситостеролни ўрганишда тегишли стандарт билан солиштирилди, R_f 0,44 да Ўзбекистонда ўстирилган қовоқ уруғи намунасида жуда аниқ ва қалин доғлар, SAMAG лабораториясининг намуналарида эса жуда суёқ доғлар пайдо бўлди. ЮСЮҚХ усулида қовоқ уруғи ва мойи таркибидаги ёғ кислоталарининг сифати ва хусусийлиги ўрганилди.

Хулоса: қовоқ уруғи таркибининг комплекс таъсир этувчи биологик фаол моддаларга бойлигини ҳисобга олиб, келажакда у асосида дори шакли (шамчалар) яратишни ва простата безининг яллиғланиш касаллигини даволаш учун тавсия этиш мақсадида тадқиқот ишлари давом эттирилмоқда.

РЕВМАТОИД АРТРИТНИ ҚУЁШ НУРЛАРИ ВА ҚУМ БИЛАН ДАВОЛАШНИНГ САМАРАДОРЛИГИ

Тиллаева Ш.Ш., Саидова М.М., Рахматова Д.Б.
Бухоро Давлат тиббиёт институти

Ревматологик касалликлар ер юзида кенг тарқалган бўлиб, улар сурункали равишда кечувчи, организм учун муҳим бўлган аъзо ва системалар фаолиятига салбий таъсир ўтказиб, ногиронликка олиб келиши бўйича етакчи ўринни эгаллайди. Улут ватандошимиз Абу Али ибн Синонинг қолдирган бой меросини чуқур ва ҳар тарафлама ўрганиш мубайнида шунга амин бўлдики, касалликларнинг келиб чиқиши, хуружларнинг бошланишида табиий ва иқлимий омилларнинг роли, организмнинг ички суёқлиги - хилтларнинг миқдор ва сифат жиҳатдан ўзгариши ва ўша аъзонинг табиий мизожини ўзгаришига замин яратишни таъкидлаб ўтган. Бўғимларнинг яллиғланиш касалликлари яъни артритлар организм табиий мизожининг ўзгаришидан, ғайритабиий хилтларнинг вужудга келишидан келиб чиқади. Ревматологик касалликлар орасида ревматоид артрит кенг тарқалган, мураккаб патогенезли, аутоиммун касаллик бўлиб, адабиётларда мазкур касалликнинг келиб чиқиш механизмлари, кечиши ва даволаш тўғрисида кўплаб маълумотлар келтирилган. Бизга маълумки, Бухоро вилояти чўл зонасида киритилган бўлиб, бу ерда иқлимнинг ўзига хос иссиқ-қуруқ, иссиқ-ҳўл билан алмашиниши, кучли шамол эсиб турувчи, чўл ҳудудлари кўп бўлганлиги сабабли мазкур касаллик кечишининг ўзига хослиги, иммун тизимидаги ўзгаришлар ва уларни замонавий табиий усуллар билан даволаш деярли ўрганилмаган.

Текшириш мақсади: ревматоид артрит билан оғриган беморларга комплексли даво муолажалари билан бирга табиий қуёш нурлари билан исиган қум ванналарини (псаммотерапия) даволовчи таъсирининг самарадорлигини ўрганиш. Текшириш ишлари Шофиркон тумани Жуйработ қишлоқ врачлик пунктида ревматоид артрит билан “Д” назоратида турган 40 та беморда ўрганилди, улар 2 гуруҳга бўлиниб, 1-гуруҳ (20 нафар) беморларга ревматоид артритга қарши даво муолажалари, 2-гуруҳ (20 нафар) беморларда эса комплекс даво муолажалари билан биргаликда псаммотерапия ҳам ўтказилди.

Текширув натижалари шуни кўрсатдики, 2-гуруҳдаги беморларда даволаш самараси 1-гуруҳдаги беморларга нисбатан яққоллиги кўриниб, клиник лаборатор кўрсаткичлар, қондаги яллиғланиш фаоллиги кўрсаткичлари яхшиланди. Ушбу даво муолажасини комплекс равишда қўллаш натижасида оғриқлар хуружи камайди, бўғимлар ҳаракати фаоллиги ошди. Беморларнинг умумий аҳволи яхшиланиб, активлиги ошди.

Хулоса: ноқулай иқлим шароитида ревматоид артрит билан оғриган беморларни замонавий усуллар билан бирга комплекс даволашда қадимдан самарали фойдаланиб келатган псаммотерапияни илмий ёндошган ҳолда қўллаш, даволашнинг клиник самарадорлигини оширишга замин яратади. Ибн Синонинг бўғим касалликлари бўйича дунё тан олган тиббий назариялари ва даволаш усуллари замонавий артрология фани ва амалиёти ривож учун алоҳида ўрин тутди.

ТОРТЕЗИН - ЛЕКАРСТВЕННЫЙ ПРЕПАРАТ ИЗ КРОВИ СРЕДНЕАЗИАТСКОЙ ЧЕРЕПАХИ

Фомина М.А., Александров В.В., Бабаев Т.А.
Институт биохимии Академии Наук РУз

Абу Али ибн Сино великий философ и врач, гениальный ученый-энциклопедист. Творчество Ибн Сино имело большое значение для науки и литературы не только Востока, но и Запада. В своих трудах по медицине он уделял большое внимание лекарственным средствам природного происхождения.

В настоящее время проявляется повышенный интерес современной науки к народной медицине, в частности, к средствам, включающим ткани рептилий. Высокая эволюционная стабильность рептилий предполагает существование у них соответствующих защитных и адаптационных механизмов. Очевидно, что вещества, ответственные за эти механизмы у рептилий, будут оказывать действие и на млекопитающих.

Поэтому в 2003-2006 г в Институте биохимии Академии Наук Республики Узбекистан был разработан новый иммуностимулирующий и радиотерапевтический препарат Тортезин (от англ. Tortoise – черепаха). Препарат представляет собой сумму нейтральных олигопептидов из крови среднеазиатских черепах Testudo horsfieldi. Экспериментально доказано, что препарат обладает также антиаггемическим и геронтопротекторным действием. Его планируется применять с целью профилактики и лечения людей, страдающих гематологическими заболеваниями различной этиологии, в частности иммунодефицитными состояниями, и для восстановления кроветворения после лучевой и химиотерапии; при лечении стрессов и повышения качества жизни; в спорте; при адаптации к изменениям климата.

В гуманитарных и экономических целях был разработан способ получения крови черепах, не требующий умерщвления животных, и произведено патентование этого способа (Патент № IAP UZ 03040 от 05.05.2006). По этому способу щадящим методом можно получить от одной черепахи до 2 мл крови, и выпустить животных опять в природу. Из этого количества крови можно затем приготовить субстанцию на 20 лечебных доз.

Высокая радиотерапевтическая и иммуностимулирующая активности препарата «Тортезин» была подтверждена исследованиями в Институтах Онкологии МЗ РУз и Иммунологии АН РУз.

В настоящее время документация на препарат находится на рассмотрении в Фармкомитете РУз. Решением расширенного заседания Президиума Фармакологического комитета Тортезин был допущен до клинических испытаний по фазе I (проверка переносимости), которые успешно прошли в РОНЦ МЗ РУз в 2009 г.

АБУ АЛИ ИБН СИНО БУГУНГИ ФИТОТЕРАПИЯНИНГ АСОСЧИСИ

Холматов Х.Х., Дусчанов Б.О., Ражапов А.Х., Собиров Р.С.
ТТА Урганч филиали

Асрлар давомида Марказий Осиё Шарқ, табобатида беморларни даволашда фитотерапия усулидан фойдаланиб келинган.

Фитотерапия грек сўзидан олинган бўлиб, “фитон” ўсимлик, “терапия” даволаш демакдир.

Ибн Сино «Китоб ал-қонун фи-т-тибб» асарининг II, V жилдларида фитотерапия услуби бўйича тўлиқ маълумотлар берган. Унинг китобида 810 мақола бўлиб, ундан 520 таси доривор ўсимликларга (фитотерапияга) бағишланган. Ушбу 520 ўсимликдан 178 та тури Ўзбекистан флорасида ўсади ва турли мақсадларда ўстирилади. Ундан 52 тури илмий тиббиётда, қолган 126 тур халқ ва анъанавий табобатда қўлланилади.

Ҳозирги кунда 52 тур доривор ўсимликлар Ўзбекистан Давлат реестрига киритилган бўлиб, ундан қуйидаги натижаларни олдик.

- 25 та ўсимликни (48,08%) Ибн Сино ва унинг давридаги ҳақимлар, табиблар томонидан касалликларни даволаш амалиётида ишлатилиши ҳамда ҳозирги кунда илмий тиббиётда қўлланилиши бутунлай бир хил эканлиги аниқланди;

- 14 та ўсимлик (26,92%) Ибн Сино ва ҳозирги кунда тиббиёт амалиётида ишлатилиши қисман тўғри келади;

- 13 та ўсимликни (25%) Ибн Сино даврида ва ҳозирги кунда тиббиётда ишлатилиши бутунлай бошқа, бир хил эмаслиги маълум бўлди.

Ибн Сино фитотерапия билан шугулланаётган даврда дориворлик фанлари бўлмаган. Бу соҳада шахсан ўзи доривор ўсимликларни таний билишлик, улардан турли дори шакллари тайёрлаш билан шугулланган. Шу сабабдан Ибн Сино дориворлик билан айрим шахслар шугулланиши керак, деган фикрга келган.

Бугунги кунда Ибн Сино ғоялари амалга ошиб фитотерапия асосида доривор ўсимликларни таний (фармакогнозия), дори турларини тайёрлаш технологияси, дориларнинг инсон организмга таъсири (фармакология, клиник фармакология) ва бошқа мустақил фанлар пайдо бўлди.

Фитотерапиянинг шу кундаги долзарб муоммолардан бири, фитотерапиянинг афзаллик томонларини

тиббиёт амалиётда ишлаётган врач-фитотерапевтлар янада чуқурроқ билишлари, фитотерапия услубини ҳар қандай касалликнинг олдини олишда ва даволашда қўллаш мумкинлигига тўла ишонч ҳосил қилишлари лозим. Чунки кейинги йилларда синтетик йўл билан олинган кимёвий бирикмалар табобатда қўллаб қўлланилиши оқибатида (дори касаллиги каби) турли хасталиклар пайдо бўлмоқда, беморлар сони кундан-кунга кўпаймоқда.

Хулоса: қилиб айтиш мумкинки, Ибн Сино ўрта аср Марказий Осиё Шарқ табобатида бутунги фитотерапиянинг асосчиси дир.

ФИТОХИМИЧЕСКОЕ ИЗУЧЕНИЕ ВАЛЕРИАНЫ ЛЕКАРСТВЕННОЙ, ВЫРАЩЕННОЙ В МЕСТНЫХ УСЛОВИЯХ

Фазулджанова С.Р., Салихов Ф.Д., Аминов С.Н., Холмурзаева С.Г.
Ташкентский фармацевтический институт

Корни валерианы лекарственной (ВЛ) (*Valeriana officinalis* L.) являются мягким седативным и спазмолитическим средством, имеющим многовековую историю применения в медицине. Абу Али ибн Сино в своем труде «Канон врачебной науки» подробно описал ВЛ и назвал ее средством, укрепляющим мозг. В данной книге ВЛ приводится под названием «фу», где сообщается об ее положительном воздействии на органы дыхания и выделения.

Несмотря на то, что изучению валерианы посвящено значительное число работ, по сей день, валериана привлекает внимание ученых. Так, сравнительно недавно были установлены соединения, отвечающие за ее биологическую активность, которыми являются валепотриаты и сесквитерпеноиды эфирного масла, а именно: валереновая кислота, валереноловая кислота, ацетилвалереновая кислота, валеранон и др.

ВЛ широко культивируется в Республике Узбекистан, но стандартизация сырья осуществляется согласно требованиям ГФ XI, где не учтены вышеуказанные вещества, в то время как в Европейской, Британской фармакопеех, а также в фармакопеех других стран приводятся методы качественного и количественного анализа валереновой и ацетокси валереновой кислот, методами тонкослойной хроматографии (ТСХ) и высокоэффективной жидкостной хроматографии (ВЭЖХ). В связи с этим нами были определены основные признаки, числовые показатели для сырья, предложен метод ТСХ для качественного анализа, (система растворителей ледяная уксусная кислота-этил ацетат-циклогексан (2:38:60), проявитель раствор ванилина в конц. серной кислоте). Впервые совместно со швейцарской фирмой SAMAG был проведен высокоэффективный тонкослойный хроматографический (ВЭТСХ) анализ образцов сырья валерианы местного происхождения (надземных и подземных органов), а также этанольных и метанольных извлечений, используя метод отпечатка пальцев (система растворителей та же, проявители HCl/уксусная кислота, анисульфдегидовый реактив). Более того, был получен сухой экстракт корневищ с корнями валерианы (экстрагент 70% спирт, соотношение сырья и экстрагента 1:5, метод перколяции) и была проведена его стандартизация алкалиметрическим титрованием по содержанию валериановой кислоты, количество которой составило 6,36%, что указывает на увеличение количества продуктов гидролиза веществ, отвечающих за терапевтическую активность.

Выводы: 1. Впервые методом ВЭТСХ были проанализированы биологические активные вещества ВЛ, выращенной в Республике Узбекистан. 2. Впервые был получен сухой экстракт корневищ с корнями валерианы.

ИСПОЛЬЗОВАНИЕ КУРОРТНЫХ РЕСУРСОВ БУХАРСКОЙ ОБЛАСТИ ДЛЯ ОЗДОРОВЛЕНИЯ НАСЕЛЕНИЯ

Холмирзаев Ш.
Республиканский специализированный научно-практический
медицинский центр терапии и медицинской реабилитации

Великий ученый Абу Али ибн Сино в своих знаменитых трудах по медицине указывал на целебное действие солнечного света и говорил, что тепло, исходящее от солнца, при грамотном применении положительно действует, влияет на организм, оказывает благоприятное влияние на некоторые болезни и боль. В трудах ибн Сино приведены данные о качестве питьевой воды, способах ее применения для лечения болезней. По мнению ибн Сино, применение солевых, сульфидных и щелочных вод показано при некоторых заболеваниях опорно-двигательного аппарата, нервных, гинекологических и кожных болезнях. Это нашло подтверждение в работах современных исследователей, занимающихся вопросами курортологии и физиотерапии, а природные лечебные факторы, о которых указывал ибн Сино, широко и с успехом применяются во всем мире.

В этом отношении Бухарская область является хорошей базой для развития индустрии отдыха и лечения, о чем свидетельствуют климатические условия и наличие лечебных минеральных вод. При этом важное

значение имеет адаптированность нашего населения к своим климатическим условиям, что особенно важно для метеочувствительных больных. Сухость климата и большая повторяемость солнечных, очень жарких и очень сухих погод является благоприятной для почечных и ревматологических больных. Устойчивость погод и незначительные изменения метеорологических элементов делают зону более полезной.

Другим не менее важным фактором являются лечебные минеральные воды. Развитие сети курортов на базе лечебных вод позволит приблизить санаторно-курортное лечение к месту постоянного жительства населения.

К сожалению, в настоящее время в этой зоне минеральные воды используются в единичных случаях: в санаториях «Ситораи Мохи-Хоса» и имени Аллаева.

Проведенные исследования по изучению гидрогеологических условий водоносных горизонтов, изучению состава выявленных источников минеральных вод показывают возможность широкого применения их в лечебных целях.

В настоящее время определены более 100 источников по всей территории Бухарской области. Они по химическому составу, температурным показателям весьма разнообразны: от слабо минерализованных до рассолов содержащих различные биохимические активные компоненты (йод, бром, бор, сероводород, кремнезем и др.).

Разнообразие лечебно-минеральных вод в сочетании с климатическими особенностями Бухарской области позволяет расширить сеть санаториев, санаториев-профилакториев.

ИБН СИНО ТОМОНИДАН МЕЪДА – ИЧАК ВА ЎТ ЙЎЛЛАРИ КАСАЛЛИКЛАРИНИ ФИТОТЕРАПЕВТИК УСЛУБДА ДАВОЛАШ

Худайберганов М.Р., Собиров Р.С., Алиева П.Р., Джуманиёзова Г.М.
ТТА Урганч филиали

Абу Али Ибн Синонинг меъда – ичак ва ўт йўллари касалликларини келиб чиқиш сабабларини аввало бемор мижозига мос келмайдиган овқатларни истеъмол қилишлик, ўз вақтида овқатланмаслик, ич қотиш, қабзият холатлари, жигар ва ўт йўлларининг хасталаниши холатлари юзага келиши ва бошқа бир қанча омилларни келтиради. Шунингдек у меъдада пайдо бўладиган яралар хилтларга боғлиқ деб таърифлайди. Агар хилтлар ўтқир бўлса танага шимилш унга тўкнашиши хисобидан пайдо бўлиши деб билади. Бундай холатларда фитотерапевтик услубда қуйидаги доривор ўсимликлардан фойдаланган.

1. Чаканда ўсимлигининг меваси ва барги (плод и листья облепихи) – *Fructus et Jolium Hippophaes*;
2. Отқулоқ ўсимлик илдири ва барги (корень и листья конского шавеля) – *Radix et folium Rumicis*;
3. Алой барги (лист алоэ) – *Folium Aloes*;
4. Зубтурум ўсимлигининг барчи (лист подорожника) – *Folium plantaginis*
5. Бурган ўсимлигининг ер устки қисми (трава полкни однолетний) – *Herba Artemisia annuae*.
6. Бўймадарон ўсимлигининг ер устки қисми (трава тысячелистника) – *Herba Millefolii*.
7. Игир ўсимлигининг илдириyasi – (корнивише айра) – *Rhizomata Calami*.
8. Тиллабош ўсимлигининг ер устки қисми – (трава золототысячника) – *Herba Centaureal*
9. Чучукмия ўсимлигининг илдири – (корень солодки) – *Radices Ylucyrrhital*
10. Тирноқгул ўсимлигининг гули – (цветки ноготков) – *Flores Callendulae* ва бошқалар.

Бу ўсимликлардан Ибн Сино дамлама, қайнатма, қуқун, доривор бўтқа, жуваршин, маъжун, таръёк ва

йиғма каби турли дори шакилларини тайёрлаб беморларни даволаган.

Биз Ибн Сино меросини ўрганиш билан бирга хозирги замон илмий тиббиёт хазинасини янги доривор препаратлар билан бойитиш шу куннинг долзарб муаммоларидан бири эканлигини хисобига олган ҳолда у ишлайган доривор ўсимликларидан бир неча турдан иборат мураккаб таркибли йиғма туздик. Бу янги таркибли йиғма препаратни фармакологик текширишдан ўтказиш, биологик хоссаларини аниқлаш ишончли натижалар олиш галдаги вазифалардан биридир. Бу мураккаб йиғма перепаратни захарли, асосий ва таъсир механизмни ўрганиш хайвонларда экспериментал касалликни пайдо қилиб даволовчи тасирини баҳолашдан иборатдир. Абу Али ибн Сино меросини илмий ўрганиш давом этмокда.

ФИТОТЕРАПИЯ В ЛЕЧЕНИИ ХОБЛ

Черкашина И.И., Гринштейн Ю.И., Шестовицкий В.А.
Красноярский Государственный медицинский университет
им. проф. В.Ф. Войно-Ясенецкого МЗ РФ, Россия

Абу Али ибн Сино – один из ярчайших представителей культуры и науки X–XI веков. «Канон врачебной науки» содержит обширный раздел, посвященный системе дыхания. Здесь Абу Али ибн Сино подробно излагает анатомию, физиологию, патологию, диагностику и лечение заболеваний бронхолегочной системы.

Ибн Сино почти полностью описал признаки нарушения дыхания и дыхательной недостаточности, которые характерны большинству заболеваний и патологическим состояниям. У больных с нарушением дренажной функции при ХОБЛ представляется патогенетически обоснованным применение муколитических лекарственных средств в комплексе с антибактериальными, противовоспалительными и бронхорасширяющими препаратами.

Цель: обосновать целесообразность использования препаратов растительного происхождения при ХОБЛ.

